

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИНИНГ МАМЛАКАТ КУЧИШЛАТАР ТИЗИМЛАРИ ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТИ



### Азиз ватандошлар!

Сўнги олинган хабарларга кўра, мамлакат президенти Ислон Каримов ва унинг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Вячеслав Голишев топшириғига биноан, Ўзбекистон президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши томонидан ХКҚ-М-17 рақамли “Ички ишлар, Мудофаа ва Фавқулодда Вазиятлар Вазирликлари идораларида Пенсия жамғармаси маблағларини тежаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” деб номланган махфий топшириқ ишлаб чиқилган ва татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Мазкур топшириқда Ички ишлар, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг раҳбарларига, ушбу идораларнинг ходимларига пенсия тўлаш учун мўлжалланган маблағлар миқдорини уч маротабага камайтириш буюрилган.

Махфий ҳужжатнинг бир бандида кучишлатар тизимлари ходимларининг пенсияга чиқишига тўқсинлик қилиш йўллари аниқ белгилаб берилган: “Пенсияга чиқишига 2-3 йил қолган ходимлар алоҳида назоратга олинсин. Ички ишлар, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг ички хавфсизлик бўлинмалари орқали ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳужжатлардаги барча фаолиятини текшириш ҳамда уларга нисбатан порахўрликка қарши амалий чораларни қўллаш тавсия этилади.

Охирги чора сифатида тиббий-профилактик усуллардан фойдаланиш буюрилади”.

Бошқача қилиб айтганда, пенсияга 2-3 йил қолганида, ички хавфсизлик бўлинмалари (ИХБ) ушбу ходим

имзор чекан барча ҳужжатларни қайта текширишга тушади. Агар ходимга қарши архивдан айб топилмаса, ИХБ вакиллари потенциал пенсионерга қарши “порахўрликка қарши чоралар”ни, яъни пора билан “тушириш”га ўтадилар.

Агар ходимни бу йўл билан ҳам тўхтата олишмаса, ИХБ вакиллари охирги – “тиббий-профилактик” чорани қўллашга ўтадилар.

Бу чора-тадбирлар доирасида пенсияга чиқиш арафасида ходимга идорага қарашли санаторий ёки пансионатларда бепул дам олиш таклиф этилади. Агар потенциал пенсионер бу таклифга розилик берса, ўша идорага қарашли санаторий ёки пансионатнинг врачлари ходимнинг пенсияга чиқишига тўқсинлик қилишади – Вазирлик ИХБнинг махфий топшириғига кўра, врачлар “алоҳида назоратга олинган” мижозлардан “тиббий йўл билан қутулишлари” керак.

Ушбу ғайриинсоний топшириқни бажариш учун Ички ишлар, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг раҳбарлари ўз ҳамкасбларига қарши сохта маъмурий ва жиноий ишлар кўзгаб, ўз ишчи-ходимларини ўлдиришгача бормоқдалар.

Махфий топшириқнинг бажарилишини назорат қилиш, Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматининг республика аппарати ва ҳудудий бошқармаларига юклатилган.

ИИБ, МВ ва ФВВ идораларидаги ҳурматли ватандошлар!

Агар хизмат пенсиясига чиқиш арафасида бўлсангиз, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сизлардан хушёр бўлишни, турли иғволардан ва “пора ташлаш”лардан эҳтиёт бўлишни эслатиб, идорангизга қарашли санаторий ёки пансионатларда бепул дам олиш таклифларига ҳеч қачон рози бўлмасликка чақиради.

Унутманг: бу қабих йўл билан Ўзбекистон президенти Ислон Каримов, унинг давлат маслаҳатчиси Вячеслав Голишев ва МХХ раҳбарияти сизларга мўлжалланган пенсия маблағларини давлат фойдасига тежашни мақсад қилишган!

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

### 1434 ҲИЖРИЙ ЙИЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Мелодий 2012 йил 13 ноябр куни, ҳижрий ҳисобда 1433 йил 28 зулҳижжа кунига тўғри келди. Маълумки, ҳижрий ойлар 29 ёки 30 кундан иборат бўлади.

Ҳижрий бир йил 354 кундан иборатдир. Бу ойнинг ер атрофини айланиб чиқишига қараб ҳисобланган. Исломий ой ва йиллар ҳисоби мана шундай асосда олиб борилади.

(Давоми 2-саҳифада)

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХРУШЧЕВИ КИМ БЎЛАДИ?

Бундан 59 йил олдин яъни 5 март 1953 йилда Совет диктатори Сталин иш хонасида вафот этганди. Ёнидагилар ундан ўлгудек қўрққанлари учун Сталиннинг ўлимини ҳам у хонасидан чиқармагач уч кундан кейин билишган экан.

(Давоми 2-саҳифада)

### ДИНИЙ МАЪРИФАТГА ҚАРШИ МАХСУС ҚЎШИН...

ННТ фаолларидан бирининг айтишича, Ўзбекистонимизда 9000га яқин маҳалла бўлиб, ана шунча нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият олиб бормоқда. Бу ҳукумат рўйхатидан ўтган масжидлар сонидан тўрт баравардан кўпроқдир.

(Давоми 2-саҳифада)

### ҚАНИСИЗ ЭРКЧИЛАР, СОЛИҲЧИЛАР, ОРИФЧИЛАР, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ!

Бундай “мустақиллик” кимга керак эди?..

Миллатни гадоӣ, фоҳиша, кул қилган, Ер қурраси бўйлаб тентиратган, ўлигини кузгунларга ем қилган Мустақилликни орзулаганмидик?

Қайдан ҳам бу Президент «куллик занжирларини парчалади-я!» Ҳа, бу киши куллик занжирларини парчалаб, миллатни озодликка олиб чиққан эмиш. Эзилган, хўрланган, ишончлари армонга айланган халқимиз бугун ҳаммасини кўриб-билиб турибди...

(Давоми 3-саҳифада)

### МАРДИКОР ИШГА ЧИҚДИ, МИЛИЦИЯ “ОВ”ГА ЧИҚДИ!

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари олдида турган энг долзарб муаммоларидан биттаси бу – ишсизликдир. Ишсизлик даражаси Ўзбекистонда кундан-кун авж олиб бормоқда. Ҳозирги кунда фуқароларимиз ўртасида, ўз оила ва аъзоларини бир бурда нон топиш илинжида ҳамда кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадида, Ўзбекистонда “кураш” кетмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

## 1434 ҲИЖРИЙ ЙИЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН



Мелодий 2012 йил 13 ноябр куни, ҳижрий ҳисобда 1433 йил 28 зулҳижжа кунига тўғри келди. Маълумки, ҳижрий ойлар 29 ёки 30 кундан иборат бўлади. Ҳижрий бир йил 354 кундан иборатдир. Бу ойнинг ер атрофини айланиб чиқишига қараб ҳисобланган. Исломий ой ва йиллар ҳисоби мана шундай асосда олиб борилади.

Мелодий йил ҳисоби, ер куёш атрофини айланиб чиқиши ҳисобига 365 кун бўлиб ҳисобланади.

Агар бу йил зулҳижжа 29 кундан иборат бўлса 15 ноябрь муҳаррам ойининг биринчи куни бўлади. Агар зулҳижжа 30 кун бўлса 16 ноябрдан муҳаррам ойининг биринчи куни бошланади. Муҳаррам ойи ҳижрий йилнинг биринчи ойи бўлиб, унинг биринчи кунда иншаллоҳ 1434 йил бошланади.

Ислом динида янги йилда ҳеч қандай алоҳида байрам қилиш жорий қилинмаган. Бу кундан бошлаб саналар ўзгаради ҳалос. Лекин инсон ҳаёти ўша ўша давом этаверади. Янги йил билан боғлиқ турли хил иримлар ҳам аслида таги пуч хурофотлардан бошқа нарса эмас.

Муҳаррам ойи Аллоҳ таоло томонидан қон тўкиш ҳаром қилинган, дея эълон қилинган тўрт ойнинг бири бўлиб, халифа Умар р.а. томонидан ҳижрий йилноманинг биринчи ойи қилиб белгиланган.

Шу ойнинг 10 куни эса, Ошуро куни дейилади. Ошуро ўнинчи демакдир. Ўша куни рўза тутишлик суннат амал ҳисобланади.

У кунда рўза тутиш бир йил олдинги гуноҳларга каффорат бўлади. Набий с.а.в. марҳамат қиладилар: “Арафа кунда тутилган рўза бир йил олдинги ва бир йил кейинги гуноҳларга каффорат бўлишини Аллоҳдан умид қиламан. Ошуро кунининг рўзаси эса – Аллоҳдан умид қиламанки – бир йил олдинги гуноҳларга каффорат бўлажак”. (Муслим)

Ибн Аббос р.а. айтадилар: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келиб, яҳудийларнинг Ошуро кунда рўза тутатганларини кўрганларида, улардан: “Бу қандай кун?” деб сўрадилар. Улар жавоб беришди: “Бу шундай яхши кундирки, бу кунда Аллоҳ Бани Исроилни душманларидан қутқарган.

Бас, шу боис Мусо бу кунда рўза тутган”. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бас, ундай бўлса, сизлардан кўра кўпроқ мен Мусога (яқин бўлишга) ҳақлироқман”, – дедилар ва у кунда рўза тутиб, одамларни ҳам унинг рўзасини тутишга буюрдилар”. (Бухорий)

“Бас, шу боис Мусо бу кунда рўза тутган”, деган сўзга Муслим ривоятларида: “Бас, шу боис Мусо Аллоҳ таолога шукрона тарзида бу кунда рўза тутган. Шулу сабаб, бизлар ҳам бу кунда рўза тутамиз”, – деган қўшимча илова қилинган.

Бухорийнинг бошқа бир ривоятларида ҳадисдаги “одамларни ҳам унинг рўзасини тутишга буюрди-лар”, деган лафзи бошқачароқ ифода қилинади:

“Шунда (Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам) асхобларига шундай хитоб қилдилар: Сизлар Мусога улардан (яҳудийлардан) кўра ҳақлироқсизлар, бас, бу кунда рўза тутинг!”

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ошуро кунда, яъни (муҳаррамнинг) ўнинчи кунда рўза тутишга амр қилдилар”. (Термизий ривояти)

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг Муҳаррам ойидаги рўзасидир, фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир» (Имом Муслим ривояти).

Баъзи одамлар бу кунни байрам қилсалар бошқалари уни мотам куни қиладилар. Хар икки амал суннатга хилофдир. Бу кунни мотам куни қилувчиларнинг даъво-ларига кўра бу кунда Ҳусайн ибн Алиий розияллоҳу анҳумонинг қатл қилингандир. Улар рофиза-шийъалардир, уларнинг йўлларига эрга-шиб Ислом дини қайтарган юзига уриб, кўйлақларини йиртиб, доду фарёд чекиб, баданларига занжирлар билан уриб, қонатиб аза тутишга на ақлий ва нақлий ҳужжат мавжуд эмас.

Бу амаллар Ислом динига ёт бўлган бидъат ишдир. Ва бунақа ишлар қилишга динимиз бизни буюрмайди. Аллоҳ бандаларига меҳрибондир, уларга бу каби ўзини ўзи уриб мотам тутишни буюрмаган. Бунга на Куръон ва на ҳадисдан ҳужжат йўқ.

Хуллас, бу келаётган янги ҳижрий 1434 йилни Ислом аҳли учун Аллоҳу Таъоло нусрат ва нажот ойи қилсин ва бизни халқимизни ҳам Золимлардан Ўзи қутқарсин, Ўзи рози бўладиган амалларни қилишни насиб этсин!

М Абутов

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХРУШЧЕВИ КИМ БЎЛАДИ?



Бундан 59 йил олдин яъни 5 март 1953 йилда Совет диктатори Сталин иш хонасида вафот этганди. Ёнидагилар ундан ўлгудек кўрққанлари учун Сталин-

нинг ўлимини ҳам у хонасидан чиқавермагач уч кундан кейин билишган экан.

Сталин сунъий равишда ўртага чиқарилган совет халқини қатоғон ва қатлиом қилиш билан (худди диктатор Каримовга ўхшаб) бошқариб келганди. Унинг ўлимидан кейин Никита Сергеевич Хрушчев совет давлатига раҳбар қилиб сайланади.

Аслида Хрушчев ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб Сталиннинг доимий ҳамкори бўлган ва совет халқини қирғин қилишда Сталинга ёрдам бериб келган. Лекин у совет давлатининг раҳбари бўлгандан кейин Сталин репрессиялари кун тартибига келтирган ва Сталиннинг бош қотили Берияни қўлга олишга ва қатл қилинишига эришган. Шунинг учун ҳам Хрушчев даврини “потепления”, яъни Сталиннинг қақшатқич зулмларидан кейин илиқлик даври ҳам дейилади...


Бу мавзунинг Ўзбекистонга тегишли бўлиши эса Ўзбекистон диктатори Каримовнинг Сталинга ўхшатилиши ва унинг ҳам сиёсий ҳаётининг тугаб бораётганидир. Каримовнинг атрофидагилар ҳам одамлари Сталиндан кўрқандек Каримовдан кўрқиб маълум.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг бошқа раҳбарлари, вазирлар, ҳокимлар истасалар ҳам, истама-салар ҳам Каримовнинг жиноятига шерик бўлиб келмоқдалар.

Аммо Каримов тахтдан кетиши билан худди Сталин ўлгандан кейин унинг ўрнига Хрушчев раҳбар бўлгани каби, Ўзбекистонга ҳам “илиқлик” олиб келадиган раҳбар ўртага чиқадими, йўқми, буни айтиш қийин. Фақат Шароф Рашидов раҳбарлигининг тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозир Каримовга Ислом ака, дея қўллик ва қўллуқ қилаётганлар у тахтдан тушиши (тириклигида ёки ўлганидан) билан уни тепиб бошлайдилар.

Яъни, Каримов раҳбарликдан кетиши билан “урилади”. Аммо унинг ўрнини эгаллайдиган янги раҳбар ўзбекона “Хрушчев” бўладими, йўқми, буни вақт кўрсатади....

Абдурахмон Муҳаммад



ННТ фаолларидан бирининг айтишича, Ўзбекистонимизда 9000га яқин маҳалла бўлиб, ана шунча нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият олиб бормоқда. Бу ҳукумат рўйхатидан ўтган масжидлар сонидан тўрт баравардан кўпроқдир.

Масжидларда имомлар Мустақиллик байроғи остида 20 йилдан бери фаолият олиб бораётган бўлсалар, Президентнинг “3434-сонли Фармони”га мувофиқ ўртача бир мамлакатнинг армиясидан кам бўлмаган хотин-қизлардан иборат “диний-маърифий” маслаҳатчилар армияси фаолият бошлаганига ҳам 8 йилдан ошибди!

Шундай бир катта кўшин кураш олиб

## ДИНИЙ МАЪРИФАТГА ҚАРШИ МАХСУС ҚЎШИН...

бораётган жойда ҳали ҳам “терроризм”, “диний экстремизм” ваҳимасидан Диктатор Ҳукуматининг тиззалари титрар эмиш... Кўркинчли “изм”лардан бутунлай қутулишнинг чораси битта. У ҳам бўлса... уят бўлса ҳам айтиш лозим: мамлакат ўз фуқаролари – мил-латнинг ОПАСИ, ОНАСИ, СИНГЛИСИ, АММА-ХОЛАСИ бўлган хотин-қизларни “ечинтириш” билан шуғулланмоқда.

Диний маърифат маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини эгаллаган бу жанговар “армия”нинг вазифаси хотин-қизларга миллий либослари бўлган энгли кўйлақ, лозим, рўмолларининг эскилик саркитилигини тушунтириш, уларни адабсиз, ҳаёсиз бир кўринишга солиш-дан иборатдир. Бунинг учун барча чоратадбирлар ишлаб чиқилган.

Яъни, биринчи навбатда таълим системаси маънавиятчисидан бошлаб, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари раислари ва маслаҳатчиларининг ҳар бири “Диний экстремизмнинг олдини олиш ва рўмол ўраганларга қарши курашиш чора-тадбирлари папкаси”га эга бўлишлари шарт.

Шундай қилиб “Диний-маърифий Маслаҳатчи” маҳалла оралаб юриб, рўмолларнинг ҳисобини олади ва уларни “хавфлилар рўйхати”га тиркайди, “хавфлилар”нинг кимлар билан борди-келдиларини ўрганади ва ўзидан юқори ташкилотларга ҳафталик ва ойлик ҳисоботларини бериб боради.

Маслаҳатчилар орасида диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбиянинг асли ўзи нима эканлигини яхши англайдиган, бундай фожеали ўйиннинг тугар кунини интизор кутаётган опа-сингилларимиз ҳам анчагина экан.

Бир қисм маслаҳатчиларнинг ишлари жуда ҳам кулгили ва ачинарлидир, айниқса таълим системасида. Комиссия деган бало ҳам ҳафта, ўн кунда, кечи билан ойда бир маротаба “ризқини тергани” келган пайтлари маънавиятчи бечора рўмолли қизларни комиссия кетгунича бир чекка жойга қамаб, яшириб қўяди. Начора, аравасига минганиндан кейин минғирлаб бўлса ҳам ашуласини айтасан экан, деб афсусланиш билдирди ўзини Марямхон, деб таништирган ННТ фаоли.

Хуринисо МУХТОР

## ҚАНИСИЗ ЭРКЧИЛАР, СОЛИҲЧИЛАР, ОРИФЧИЛАР, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ!

Бундай “мустақиллик” кимга керак эди?..

Миллатни гадой, фоҳиша, қул қилган, Ер курраси бўйлаб тентиратган, ўлигини қузғунларга ем қилган Мустақилликни орзулаганмидик?

Қайдан ҳам бу Президент «куллик занжирларини парчалади-я!» Ҳа, бу киши куллик занжирларини парчалаб, миллатни озодликка олиб чиққан эмиш. Эзилган, хўрланган, ишончлари армонга айланган халқимиз бугун ҳаммасини кўриб-билиб турибди...

Ўзбекининг казо-казо шоирларию, олимлари, диний арбоблари телевизорлардан чиқиб маъқуллаб, даъват қилиб турган, оддий халқ ишонди, умид қилди. Лекин “Совет меҳробидан чиққан чаёнлар”га ишонмаганлар ҳам кўп эди. Чунки бу диктатор, ўша, 1988-90 йилларда тиш-тирноғи билан мустақилликка қарши бўлиб, сохта референдумлар ўтказганини кўрган, гувоҳ бўлган, Мухаммад Солиҳ сайловда 90 фоиз овоз олган жойларда бюллетенларни сохта-лаштирган, бу хиёнатнинг бошида турганлар, охирида пушаймонга ботганлар, кечикиб бўлса-да, тавбага қайтганлар ҳозир ҳам ораимизда, ҳаётлар. Кўплари ҳаж ибодатларини қилиб, кексаликларини ибодат-у, дуода ўтказмоқдалар. Аллоҳнинг яхши кунларини кўришдан умидворлар.

Мен ўзим ҳам бу мунофиққа ён босганман. Шоирнинг ҳали бироз ёшлиги бор деганман, иқтисодчи мамлакатни бойитар, боскинчилардан ҳаққимизни ундириб олар, миллий кадриятларимизга доир асори-атиқаларни юртга қайтарар ва ҳ.к. деб умид қилибман, мен хом сут эмган банд.

Эй Мухаммад Солиҳ, дўстим.

Сизнинг йўлингиз, сўзингиз ўша вақтда ҳам Ҳақ Сўз ва Ҳақ Йўл эканини билардик, лекин ғафлатда қолдик. Ҳа, мен ва бизлар қаттиқ адашганимизни билдик, лекин кеч эди. Бу мустабид золим яхшиларни бир-бир йўқ қилиб, атрофига бир гала сув юкмасларни, пешоби ер тешмасларни тўплади.

Диктаторимизнинг ОАВ ва Телерадиокомпанияси 20 йилки, “куллик занжирларини парчалаган Президентини” мадҳ қилишдан бўшамайди. Эртадан кечгача, кечдан эрталабгача шу гап. На фақат матбуотнинг, ёппасига алжирашдан мамлакатнинг ҳам томи кетиб бўлди. Бир гала “оппозиция” отли шўрликларнинг азалдан на биноси, на томи бор эди. “Президентимиз ташаббуслари билан...” деб бошланувчи жаннатдан ахборотлар саратон касаллигини кўзгатувчи вирусларга айланиб, халқнинг ёстиғини қуритмоқда.

Энди буниси камлик қилгандай, отасига ёрдამчи, “ТАШАБУСКОР-2”–Гулнора хоним пайдо бўлдилар. Бу хоним мисоли бир сеҳргар, ибн Хаттобми дейсиз. Бир қарасангиз ярим ялонғоч артист, бир қарасангиз олим, бир қарасангиз файласуф, бир қарасангиз давлат арбоби, бир қарасангиз болалар етакчиси...

Бу жодугар давлат ғазнаси ва халқнинг пешана терини елга совуриб, турли масхарабоз тадбирларни ўтказиш, ўйинкулидан бўшамайди-ю, президентликка давогар?!

“Асрлар садоси” номли яна бир масхарабозлик томошалари борки, мамлакатда ишнинг қайнаган палласи ҳафталаб атрофида амалдор-у, хушомадгўйлари сарсон. Халқ тентираган. Алмойи-алжойи модалари намойиши, дорбоз-у, масхарабозлар томошаси, кўпқари, от



пойгаси, қўқор уриш-у, ит уриштиришлар, ер тепар ўйинларнинг оти асрлардан келган садо эмиш...

Ҳамма гапни қўйинг-да, қирқ ёшдан ўтиб, “Бобосидан қолган тил”да тил чиқаришни хоҳлаб қолган бу сеҳргар хонимнинг домла-имомлар ҳузуринда маъруза ўқиганларига қоил қолаверинг. Нима бўпти, бўлажак президент отасига ўхшаб гапини “Аллоҳ қалбимизда”дан бошлаган бўлса. Шайтони лаин ҳам ўқирди Қуръони каримни, аммо у мўминларнинг душмани эди.

Бу келаётган офатдан, шайтанатдан халқимизни, она Ватанимизни Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Муҳожиротдагилар, ҳижратдаги ватанпарварлар, ҳақсизликка тоқат қилгандан кўра ғайри элда гадо бўлганим яхши деб, ватандан бош олиб кетган азишлар, она Ватанга қайтингиз.

Барчамиз бир тан-у, бир жон бўлиб бирлашайлик, Ватан учун курашайлик, ҳаётимиздан бир кунимиз, бир соатимиз қолган бўлса ҳам озод нафас олайлик!

Биз сизни соғиндик, ўз уйингизга ўзингиз эғалик қилиш вақти етмадими, азиш ватандошлар?

Салом билан кўпчиликнинг хоҳишини оққа кўчирувчи,

Мухаммад Қодир АБДУЛАТИФ ўғли

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” (олинган манба: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-боб, 2-бўлим, 9-бет).

қилганлиги ёки бўлмаса, қидирувда бўлганлиги аниқланади. Шундан сўнг, “вақтинчалик озодсан” деб қўллига, “патта”сини бериб идорадан чиқариб юборишади... Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаро паспорти”нинг 33-бетида “Паспорт Ўзбекистон Республикаси Мулкидир. Ушбу паспортнинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидадир” деб кўрсатилган бўлса-да, паспорти мавжуд бўлган фуқаро, албатта Ўзбекистоннинг қаерида яшаши ва ишлашидан қатъи назар, у Ўзбекистон фуқаросидир.

*Фуқаронинг расми, Ф.И.Ш қайси манзилдан келганлиги кўрсатилади. Иш масаласига келсак, ўзимиз иш қидирамиз. Биржа бизга ҳеч қанақанги иш топиб бермайди. Бу ерда Тошкент шахар ҳокимияти томонидан ташкил этилган, “худуд” мавжуд. Яъни атрофи симлар билан ўраб олинган, “граница”да биз фуқаролар эртаю-кеч тураемиз. Биржа ходимлари “шу жойда иш берувчи, клиентнинг ўзи келади. Сизлар билан учрашиб, ишга олиб кетади” деб қуруқ ваъдалар бери-*

## МАРДИКОР ИШГА ЧИҚДИ, МИЛИЦИЯ “ОВ”ГА ЧИҚДИ!



Мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари олдида турган энг долзарб муаммоларидан биттаси бу – ишсизликдир. Ишсизлик даражаси Ўзбекистонда кундан-кун авж олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда фуқароларимиз ўртасида, ўз оила ва аъзоларини бир бурда нон топиш илинжида ҳамда кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадида, Ўзбекистонда “кураш” кетмоқда. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрига, вилоят, шаҳар, туман, ва қишлоқ ҳамда овулларида келаётган фуқароларнинг сони кун сайин ва йилдан-йил ўсмоқда. Тошкент шаҳрига келган ёш йигит-қизлар, талабалар ва мактаб ўқувчилари, иш-эллаб мардикор бозорларига ўзларини урмоқдалар. Уларни эса, ИИБнинг ходимлари қўлларида дубинкалар билан, “очиқ юз” билан, “меҳмондўст” сифатида, “табассум” билан кутиб олишади.

Ҳар бир фуқаро Тошкент шаҳрига келганидан сўнг, унга қўйиладиган биринчи талаб: “Тошкент шаҳрида вақтинчалик прописка қилиниши шарт. Бўлмаса, уч кун ичида фуқаро, Тошкент шаҳрини тарк этмоғи “фарз” дейилмоқда. Тошкент шаҳрига келган ҳар бир мардикор йигит-қизларимиз, албатта ИИБнинг тегишли идорасидан рўйхатдан ўтмоғи даркор. Фуқаронинг паспорти, расми, бармоқ излари ва имзоси асосида “СУРОВНОМА” ташкил қилинади.

Бу ҳам етмаганидек, фуқаролар “Панельный” вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасига олиб борилиб, у ерда Республиканинг ИИБи томонидан суриштирилади. Фуқаронинг жиноят

мадимикин?

Оддий меҳнаткаш ҳалқни эзиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини оёқ-ости қилиш ва унинг “қул” сифатида ишлатиш, унга нисбатан “монополист” сифатида қараш, у ким бўлишидан қатъи назар, бунга ҳеч қанақанги тўсиқ ёки ғов бўлиши мумкин эмас. Қонун нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва конституцияда кўрсатилган қонун асосида, яъни, Қомусимизнинг 22-моддасида кўрсатилганидек, “Ўзбекистон Республикаси ўз худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатишини кафолатлайди” дейилган бўлса-да.

Аммо... Лекин...

ИИБи томонидан қилинаётган қаттиқ таъқиб ва тайизиклар туфайли, Тошкент шаҳридаги “ИБН-СИНО”, “УРИКЗОР”, “ФЕРУЗА”, “ҚЎЙЛИҚ” каби мардикор бозорларида фуқароларимизнинг катта трасса йўлларида кетма-кет, “колонна” бўлиб, ўтаётган автомобиллар остида қолиб кетиб, ҳаётлари билан видолашмоқдалар.

Биз фуқароларимизни қийнаётган муаммолари тўғрисида, бугунги кунда Ўзбекистонда долзарб бўлиб турган ишсизлик юзасидан суриштирдик. Улар бизга қўйидагиларни гапириб беришди:

*“Биз жойларда ташкил этилган, “Меҳнат биржа”ларидан рўйхатдан ўтганимиздан сўнг, улар бизга “вақтинчалик ишсиз гувоҳномаси”ни беришади. Бу ҳужжатларни кўрсангиз, худди-ки, итларга берилган паспортга ўхшаб кетади.*

*шади, Аҳир, келган клиент аввалом бор, бу ерга келмайди. Чунки, арзон ишчини атрофда юрган мардикорларнинг ичидан ўзлари излаб топишади. Агар биз шу жойни ташлаб чеккага чиқсак, албатта милиция ходимлари бизларни “панельный” деган авахтага олиб кетишади. У ерда боргандан сўнг, ота-онамиз ва қариндошларимизни чақириб олишиб, штраф тўлатишади. Нима эмиш? “Уғлингиз, ишламасдан милиция ходимига бўйсинмаганлиги туфайли, ИИБи ходимларидан қочиб юргани учун, энг кам иш ҳаққининг фалон ва фалонигача штраф тўлаши шарт” дейишмоқда. Агар биз қўлимиздаги меҳнат биржасининг ҳужжатларини ИИБи ходимларига кўрсатсак, “бу билан орқангни тозала” дейди. Нима қилишимизни ҳам билмаймиз. Бизни ким ҳам ҳимоя қиларди? Кимга бориб мурожаат қилишимизни ҳам ўзимиз билмаймиз...”*

Шу ўринда икки оғиз сўз: Мақоламизнинг “кириш” қисмини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаси ва банди билан бошлаган эдик. Хотима якун қисмини эса, “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ”нинг 23-моддаси билан якунламоқчиман: “Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шариоитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирувчи даромад олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузуш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадирлар”. (Олинган манба: БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази. Тошкент шаҳри, 1998 йил 33-бет).

**Фахриддин Тиллаев**  
Ўзбекистон “Эрк” Демократик партиясининг Марказий Кенгаш аъзоси  
[uzbekistanerk.com](http://uzbekistanerk.com)



(Эссе ўрнида)

Уолт Уитменнинг кумурсқа ва майсалар, гиёҳлар ва чечаклар ҳақидаги шеърляти тўғрисида ўйларканман, “Шоирнинг қалби ҳаёт ишки билан шу қадар тўла-ки, унга майса ва гиёҳлардан, кумурсқа ва бошқа шунга ўхшаш майда жонзотлардан бошқа ҳеч нарса сифмайди, бошқа нарсалар бу лиммолим қалбга кўплик қилади, қатталиқ қилади”, деган фикр туғилди.

Албатта, шоирнинг бу ҳолати ҳақда бунга том тескари фикрни ҳам айтиш мумкин эди, масалан, шундай: “Шоирнинг қалби чуқур изтироблардан, бахтсизликлардан шу қадар чарчаганки, бу қалбни қайғулар шу қадар шип-шийдам қилганки, энди ўт кетиб, култепага айланган ўрмон сингари хувиллаб қолган бу қалб учун шу майда гиёҳ ва жонзотлар ҳам катта умид ва малҳам бахш этади, аммо буюқроқ нарсаларни “ҳазм” қилишга изтироблардан ҳаддан ташқари заифлашган бу қалбнинг ҳали қурби етмайди”.

Аммо менда илк бор биринчи фикр туғилди... кейин эса... иккинчи фикр ҳосил бўлди. Хуллас, мутлақо қарама-қарши кўринган бу иккита кутб, биз ўйлаган даражада бир-биридан узок эмасдай кўринади. Символизмни ёқтирсам ҳам, ўз думини ғажийтган илон тимсоли бошимда доим бир қатор “умумлашган”, “универсал” ғояларни яратади. Символизмни унча ёқтирмайдиган бир одамнинг борлигини бир илон орқали “умумлаштириш”га бўлган мойиллиги, албатта, ташқаридан бир оз зиддиятли кўриниши мумкин, аммо биз айнан ана шу зиддият, ўз думини ғажийтган илон ҳақида гапирма-япмизми, зотан?

1980 йилларнинг ўрталарида Тошкентда ёшларнинг бир оммабоп журнали бўларди (балки, ҳозир ҳам бордир). Бир куни мен шеърларимни кўтариб, шу журналга бордим ва журналнинг Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлган Бош муҳарририга шеърларимдан ўқиб бердим. Бир шеъримнинг:

“Бу шафакнинг шомгими – тонгни эканлигин ким билади, айт,  
Буни биздан бошқа ким билар?”  
деган сатрларини назарда тутиб,  
“лауреат” рус тилида: “Ну и что?” (Хўш, нима бўлибди?) деган бир хитоб-саволни ташлади. Мен ҳам, бу хитобни жавобсиз қолдирмадим: “Ҳар қандай

## МАЙСАЛАР, ҚУМУРСҚАЛАР ВА ИЛОНЛАР ҲАҚИДА

асарга, ҳар қандай шеърга, шу жумладан, сизнинг шеърларингизга ҳам шу саволни бериш мумкин”, дедим. Шунда у мендан: “Шу сатрлар билан нима демоқчисан?” деб сўради. Мен юкоридаги шеърини сатрларни яна бир бор ўқиб бердим ва: “Шундай демоқчиман”, дедим. Хуллас, шеърларим лауреатга ёқмади ва журналда чоп этилмади, аммо гап бунда эмас; гап шундаки, ҳар қандай савол (ўз думини тишлашга ҳаракат қилаётган илонни эслатувчи шакл – сўроқ аломати)нинг ичиди унинг жавоби ҳам ётади, мен буни “лауреат”га тушунтиролмадим, зотан, “шом” билан “тонг” каби қарама-қарши кутбларнинг бир-бирига нақадар ўхшашлигини бу “лауреат”га тушунтириб ўтириш фойдасиз эди – зехнияти бир кутбли эди...

Кутблар ҳақида ўйлар эканман, мен худди бўшлиқда муаллақ турган кишидай фикрлаётганимни пайқадим – агар мен ҳавода эмас, ерда турганимда эди, кутблар ҳақида эмас, уфқлар ҳақида гапирган бўлардим: зеро, ерда турган кимсага кутб эмас, уфқ кўринади, шундай эмасми? ...

Хуллас, мен уфқни идрок этадиган даражада пастлашиб, атрофга боқар эканман, атрофнинг шип-шийдамлигидан (култепага айланган макондан) сесканиб кетаман ва “бу фақат ўз ичингдаги бўшлиқнинг акси”, деган фикрга ўзимни ишонтиришга урина бошлайман, аммо қанча уринмай, бунга ишонгим келмайди – мен ўз сезгиларимнинг (улар нақадар хорғин бўлмасин) атрофни нотўғри идрок этаётганини сира тан олгим келмайди: “атроф ҳақиқатан ҳам бўм-бўш, уфқ бўм-бўш”, деган туйғу борлигини тарк этмайди...

Мени доим “бизнинг миллатимизнинг қиёфаси қандай?” деган савол қийнаган. Рус совет империяси даврида бунга жавоб бериш унчалик қийин кўринмасди; “халқим босқинчиларнинг колониал сиёсати остида ўзлигини йўқотди, аммо мустақил бўлганга замон, у яна ўзининг бутун улугворлиги билан майдонга чиқади”, деган умидга ўхшаб кетувчи бир нарса бўларди, шу нарсага таяниб, нимадир қилишга тиришар ва ватан, халқ ҳақидаги ҳар бир калима шахсиятимиз ҳақида айтилаётган калимадай ичгин қабул этилар, бу калималар етказадиган озор ҳам шунга яраша эди. Шу маънода, Андропов бошлаб берган ва бир рус ва бир арман миллатчиси раҳбарлик қилган машъум “ўзбек иши” даврида ўзбек халқи устига тўқилган чексиз мағзава ва бўҳтонларни кечириш (бошдан кечириш) имконсиз кўринарди, аммо бу дўзах ҳам, фақат “эртага озод бўлсак”, деган умид туфайлигина ошиб

ўтилди ва биз бугунгача етиб келдик...

Аммо “эртага озод бўлсак”, деган гап биз билан қолди... Мен бу ерда мустақилликка эришиб, ўз “миллий” золимига эришган Ўзбекистоннинг бугунги жинойткор режимини назарда тутаётганим йўқ, балки, шу режимни кўтариб турган миллионлаб каллалардаги тутқунликни назарда тутаяпман. Гап бу золим режимга қарши курашиш ҳақда ҳам кетаётгани йўқ, гап энг жўн бир шаклдаги тўғрилиқ ва ўғрилиқ ҳақидаги тасавурларнинг мутлақо барбод этилгани ҳақда кетмоқда.

Бир киссавур ёки бир йўлтўсар бир автобусда ёки кўчада, барча одамларнинг кўзи олдида, уларнинг лоқайд гувоҳлигида ҳеч қандай жазосиз, ҳеч қандай таъна-дашномсиз бир бевабечорани талар экан ва ўғри ўзининг ўғрилигини яшириш ўрнига ундан гурур туярган, бундай юртда бугунгидан бошқача бир тузумни тасаввур этиш қийин, деган оғир бир туйғу ҳеч кўксимни тарк этмайди. Ҳар қандай ўғри ва каззоблар ҳокимияти кўчада майда ўғри ва каззобларнинг бемалол юришидан бошланади, деган фикр тинимсиз миямни кемиради. Кўчадаги ўғрига “ур ўғрини!” дея таҳдид этилгани заҳоти бу ўғрилар ҳокимиятининг ҳам шохи зириллайди, деган жуда жўн кўринган бир хулоса миямда тинимсиз айланади. “Шохи билан туёғи бир, думи билан боши бир”, деган фикр миямда чарх уради...

Шу ерда мен Уолт Уитмен шеърлятидан ўғри-каззобларгача бўлган йўлнинг қандай ўтилганини сезмай қолганимни англадим. Чиндан ҳам, масофалар инонилмас даражада нисбий, улар бир сароб сингари бизни чалғитади. Мен бу ерга ҳам (айни замони, айни ўрни!!) ўзимнинг ўша юкорида келтирилган ўз думини ғажийтган илон ҳақидаги “универсал” концепциямни тиқиштиришим мумкин.

Бу ерга, шуниндек, 15 йилча олдин “Ёш ленинчи” номи газетада чоп этилмай кўлимга қайтариб берилган бир адабий мақоламдаги: “Ўртамиёна мутафаккирни фикрлар ғажиб ташлайди, буюқ мутафаккир эса, фикрларни бир-бирига едиради”, деган гапни ҳам қистиришим мумкин, истасангиз. Бу фикрнинг ўз думини ғажийтган илондан нима камчилиги бор?

Мақоламни қайтариб берган ўша газета муҳаррири, газета ходимининг айтишича, мақолам ҳақда: “Жуда ўтлаб кетибди”, деган фикрни айтибди. Балки, муҳаррирнинг гапи тўғридир? Бошқаларни билмадим-у, аммо коммунист муҳаррирлар ўз “яйлови” чегараларини доим яхши билган ва улар ҳеч қачон “ўтлаб” кетмаганлар. Балки, мен ҳам бир оз ўз “яйловим” чегараларини билганим маъқулдир?

Ҳар ҳолда, кутбларни илонга ўхшатиш яхши гап бўлмаса керак...

## ТУРК МАҲКАМАСИ ЎЗБЕК ҚОЧҚИНИ ИШИДА ҚАРОРНИ ЯНА КЕЧИКТИРДИ

Прокурор Қосимовни Ўзбекистонга экстрадиция этишни сўрамоқда. Химоячилари эса уни Ўзбекистонга топширмасликни талаб қилишмоқда.

Пайшанба куни Истанбулдаги маҳкама ўзбекистонлик қочқин химоячилари талаби билан ишни қайта кўриб чиқишни 10 декабрга қолдирди.

37 яшар Шомуроджон Қосимов 5 ойдирки, Истанбулдаги Бакиркўй қамоқхонасида қолмоқда.

- Туркия Шомуроджон Қосимовни Ўзбекистонга топширса, уни қийноққа солинишига шерик бўлади. Сабаби Қосимов Ўзбекистонга қайтарилса, Ўзбекистон қамоқхонасида ўлдирилган Зайниддин Асқаровнинг қисмати уни бошига тушиши мумкин, дейди ўзбекистонлик қочқин химоясига чиққан Туркиядаги “Ўзбеклар бирлиги” ташкилоти раҳбари Адем Челик.

Туркия ҳукумати 1999 йилда Тошкент портлашларида айбланиб, ҳибсга олинган Зайниддин Асқаровни Ўзбекистонга топширгани учун танқидларга қолган эди.

Асли Андижондан бўлган Шомуроджон Қосимов Ўзбекистон томонидан мамлакат конституцион тузумини ағдаришга уринишда айбланмоқда ва Тошкент ҳукумати Туркиядан уни экстрадиция қилишни талаб этмоқда.

Қосимовнинг химоячиси Ҳалим Йилдизнинг айтишича, ўзбекистонлик қочқин фақат намоз ўқигани, Куръонни ўргангани учун ватанида таъқибга учраган:

- Мен Шомуроджон билан гаплашганимда фақат номоз ўқиши, ҳеч қанака тузумни ағдариш нияти бўлмаганини айтди.

Ўзбекистондан юборилган экстрадиция ҳақидаги ҳужжатлар билан ҳам танишиб чиқдим, ҳужжатлар ҳаттоларга тўла, нотўғри таржима қилинган. Биз маҳкамадан ҳужжатларни тўғри таржима этилишини сўрадик. Маҳкама талабимизни қондирди ва ишни 10 декабрда қайта кўриб чиқишни маълум қилди, дейди ўзбекистонлик қочқиннинг адвокати.

Шомуроджон Қосимов бир йил аввал рафиқаси ва икки фарзанди билан Туркияга келган.

Ҳозирда унинг ҳомиладор аёли фарзанди Истанбулда ижарага олинган уйда қолмоқда.

Адвокат Ҳалим Йилдизнинг айтишича, Қосимов иши бўйича маҳкаманинг якуний қарори декабр ойида маълум бўлади.

Туркия Ўзбекистон фуқаролари учун виза режимини бекор қилганидан сўнг бу мамлакатда ўзбек қочқинлари сони ортди.

Биргина Истанбулнинг ўзида бир неча минг ўзбекистонлик қочқин борлиги тахмин этилади.

## ХАЛҚАРО ПЕН КЛУБ МАМАДАЛИ МАҲМУДОВ ОЗОД ҚИЛИНИШINI ТАЛАБ ҚИЛДИ

Халқаро ПЕН клуб 15 ноябр – қамоқдаги ёзувчилар халқаро куни муносабати билан ўзбек ёзувчиси Мамадали Маҳмудов қамоқдан озод қилинишини Ўзбекистон ҳукуматига ёзган мактубида талаб қилди.

15 ноябр қамоқдаги ёзувчилар халқаро куни сифатида 1981 йилдан бери нишонланиб келинади.

Қамоқларда қийналаётган ёзувчиларга ҳамдардлик билдириш ва уларнинг озод қилинишига эришиш мақсадида Халқаро ПЕН клуб ташкилоти бу кунни қамоқдаги ёзувчилар куни деб эълон қилган.

Халқаро ПЕН клуб тарафидан қамоқдаги ёзувчи сифатида ҳуқуқлари химоя қилинаётган ёзувчилардан бири Мамадали Маҳмудовдир.

72 ёшли ёзувчи Мамадали Маҳмудов Тошкентдаги 1999 йилги феврал портлашларига алоқадорликда айбланиб, 14 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган эди.

Халқаро ПЕН клуб йиллар мобайнида Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов номига мурожаатнома йўллаб, ундан таниқли ўзбек ёзувчиси Мамадали Маҳмудовни зудлик билан қамоқдан озод этишни талаб қилиб келади.

Қамоқдаги ёзувчилар кунда ҳозир тутқунликда қолаётган ёзувчи Мамадали Маҳмудов билан бирга қамоқда ўтирганлар ва у кишининг яқинларига микрофон тутдик.

Ёзувчининг учта фарзанди ва еттита невараси бор. Унинг оиласи Ўзбекистон ҳуқуқтартибот идораларининг доимий назорати остида. Уғиллари оталари туфайли ишга жойлаша олмаётганини айтишди.

13 йилдан бери қамоқда қолаётган Мамадали Маҳмудовнинг саломатлигидан хавотир билдирган унинг қизи 40 яшар Ватан Маҳмудова отасидан фахрланишини айтади:

- Отам билан фахрланаман. У киши қамоқда бўлса ҳам асарлари инглиз ва француз тилларида чиқди. Тезроқ қамоқдан қутулиб, набиралари ёнига қайтсин,- дейди ёзувчининг қизи.

1940 йилда туғилган Мамадали Маҳмудов, (таҳаллуסי Эврил Турон) Ўзбекистон Маданият жамғармасининг собиқ раисидир.

Бир гуруҳ ўзбек зиёлилари ташаббус гуруҳи билан тузилган ва 1989 йилдан 1993 йилгача фаолият юритган “Туркистон” ҳаракатининг етакчиси Мамадали Маҳмудовни 1999 йил 26 февраль куни ҳибсга олишган эди.

Бундан олдин Мамадали Маҳмудов 1993 йили ҳибсга олинган эди. Ушанда ёзувчи билан қамоқда бирга ўтирган ёзувчи, Халқаро



ёзувчилар парламенти аъзоси Сафар Бекжон унинг миллат тақдири борасидаги суҳбатларига ошно бўлганлардан бири.

Сафар Бекжонга кўра, ёзувчи Мамадали Маҳмудов совет даврида ҳам қатағонга учраган ёзувчидир:

- 1982 йили “Шарқ юлдузи” журналида унинг “Ўлмас қоялар” романи чиқди. Романда Россия ишғоли ўша давр конъюнктурасидан фарқли тарзда ифода қилинган,- дейди Сафар Бекжон.

Маълумки, Мамадали Маҳмудов ўзининг “Ўлмас қоялар” асари учун совет даврида таъқибга учраган, аммо кейинчалик ёзувчига бу асари учун Чўлпон мукофоти тақдим қилинган.

Ўзбек қамоқхонасида маҳбус бўлган ва ҳозир Норвегияда сиёсий қочқин мақомида яшовчи Мақсуд Бекжон Мамадали Маҳмудов асарларидаги миллий рух ҳақида гапирар экан, ёзувчининг зудлик билан озод қилиниши зарурлигини урғулади.

Мамадали Маҳмудов қамалганидан буён бир қатор маҳаллий ва халқаро ташкилотлар Ўзбекистон ҳукуматидан унинг озод қилинишини сўраб келаяпти.

Бироқ расмий Тошкентнинг бу каби мурожаатларни инobatга олиш нияти йўқдай кўринади.

Бу вақт давомида ўзбекнинг романи Франция ва Британияда чоп этилди.

Британиянинг Эдингбург шаҳрида шу йил бошида ўзбек адабиётига бағишлаб ўтказилган тадбирда Мамадали Маҳмудов асарларидан намуналар ўқиб эшиттирилган эди.

1999 йил февралдаги Тошкент портлашларига алоқадорлик айблари билан узоқ йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилган Мамадали Маҳмудов яқинлари билан учрашганида 7-8-асрлардаги араблар босқинига бағишланган тарихий романи турмада ёзганлигини айтган.

Айни пайтда, бу роман турма маъмурияти тарафидан олиб қўйилгани ҳам айтилмоқда.

Сизларга нисбатан тажрибали ҳамюртингиз сифатида баъзи гапларни айтмоқчи эдим. Бу гапларни истаганлар насихат, истаганлар маслаҳат ёки ахборот ўрнида кўришлари мумкин.

1. Сизларнинг ҳозир Ўзбекистон, яъни ватанимиз ҳақида аниқ маълумотлар ва тасаввурга эга эмаслигингизни яхши биламан. Чунки Ислом Каримов диктатураси сизларга ватанимиз ва дунё ҳақида тўғри маълумотлар бермайди. Чунки Ўзбекистонда сўз, эътиқод ва матбуот эркинлиги йўқ. Шунинг учун ҳам сизлар бирор соҳада тўғри маълумот олишининг тўлиқ имконига эга эмассизлар.

2. Сизлар учун энг муҳим масала ёлгон сўз, ёлгон маълумот ва уларга асосланган ишлардан узоқ туришдир. Чунки ёлгон таъсири узоқ давом этадиган захардир. Шунинг учун ҳам аввало ўзингиз ўзингизни (нафсингизни) текшириб кўринг. Агар ҳаётингизда ёлгон мавжуд бўлса (ёлгон гапирсангиз, эшитсангиз, ўқисангиз, кўрсангиз) ундан қутулишга ҳаракат қилинг. Бу осон эмас, албатта. Аммо ўзингиз тўғрилиқка ўргансангиз аста секинлик билан бошқа нарсаларнинг ҳам ҳақиқатини билиб бораверасиз.

3. Ҳозирги энг қатта ёлгон Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти эканлиги ва унинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо қилганидир. Мустақиллик йилларида сиз болакай эдингиз, баъзиларингиз эса у йилларда туғилгансиз. Биз ҳозир ёши 50 ёки 60 бўлганлар бу воқеаларга тирик гувоҳлармиз. Ислом Каримов СССР деган империя қулаётганда унинг тарқалишига, яъни Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлишига қарши чиққан эди. Бунинг далили 1990 йил март ойида СССРни сақлаб қолиш учун Горбачев томонидан ўтказилган референдумда Ислом Каримов Ўзбекистон халқини СССР сақлаб қолиш учун овоз беришга мажбурлаган, қарши овоз беришга қақирган муҳолифатчиларнинг овозини ўчириб, уларга турли тазйиқлар ўтказганди. Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг ҳозирги Президенти эканлиги ҳам қатта ЁЛҒОНДир. Чунки унинг Президентлик ваколатлари 2000 йилда тугаган, яъни Ўзбекистон Конституциясига кўра у фақат икки марта Президент бўлиши керак эди. Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда янги давлат асосчиси эканлиги ҳам ёлгондир. Чунки у деярли чорак аср давомида ватанимизда ўзбошимча хўжайин бўлишига қарамай давлатчиликнинг асоси ҳисобланадиган янги мафқурани, эркин сиёсат қоидаларини, ҳуқуқий (адолатли) давлатни, ривожланган замонавий иқтисоднинг асосларини, янги мактаб ва яхши ахлоқ тизимига асос солгани йўқ. Бу асосларсиз эса янги давлатчилик ҳақида гапириб бўлмайди.

4. Яна бир ҳақиқат диктатор Ислом Каримовнинг қизи Гулноранинг бизнинг халқимизга ҳамма томондан (эътиқодий, миллий, маънавий, маданий ва ҳқ) бегоналигидир. Тўғри у Ўзбекистонда туғилган аммо ўзининг ҳаёти, отасига қўшилиб халққа зулм қилиши, давлатнинг пулларини ўғирлаб чет эл банкларига қўйиши, Ўзбекистонда иш олиб бораётган маҳаллий ва чет эл корхоналарини талон тароҳ қилиши ки, булар ҳужжатлар билан исботланган, буларнинг барчаси Гулнора Каримованинг Ўзбекистонликларга бего-

на эканлигини кўрсатади.

5. Ўрганишингиз керак бўлган яна бир ҳақиқат сизлар оз яшаган ва баъзиларингиз яшаб кўрмаган СССР дейилган давлатнинг атеистик, коммунистик (динсиз диёнатсиз) империя эканлигидир. Бу қизил империя айти пайтда ёлгоннинг маркази ҳам эди.



## 20 – 30 ЁШЛАРДАГИ ҲАМЮРТЛАРИМГА

Ҳозир халқимиз ичида кенг тарқалган ёлгончилик, фирибгарлик, порахўрлик, ароқхўрлик, инсонларнинг бир бирларига, давлат ҳокимиятнинг ўз фуқароларига зулм қилиши каби иллатлар мана шу Империядан бизга мерос қолган.

6. Демак сиз учун муҳим бўлган нарса аввало инсон сифатида ўзингиз ва кейин фуқаро сифатида жамият ва давлатимиз ҳақида ҳақиқатларни ўрганишингиздир.

7. Инсонга ўзини танитадиган манба Ислом динидир. Диннинг асоси имондир, яъни ёлгонни тугатишдир. Имонли киши ёлгон гапирмайди, тоат ибодатли бўлади, бировга зулм қилмайди, ароқ ичмайди, порахўрлик қилмайди, қўлидан келганича ўзгаларга ёрдам беради ва ҳқ.. (Бундай яхши сифатлар баъзи мусулмонман дейдиган кишиларда бўлмаслиги ҳам мумкин). Бу сифатлар ҳозир Ўзбекистонга сув ва ҳаводек зарур. Афсуски ҳозир Ўзбекистонда мусулмонларга эркинлик йўқ, шунинг учун ҳам сизларнинг динимизни содда, соф, мўътадил шаклда ўрганишингизга имкон йўқ. Сизлар динни ўрганишга шошилинг, аммо у ҳақдаги мунозара, иштилофлар масаласига аралашмагангиз маъқул. Турли диний жамоатларда динни ўргансангиз ҳам уларга аъзо бўлмаганингиз маъқул. Чунки Ислом динида фирқачилик ва гуруҳбозлик йўқдир. Унутмангки ҳозирги турли фирка, гуруҳ ва жамоатларнинг бирортаси ҳам тўлалигича Ислом динини тамсил қилмайди.

8. Унутмангки, Аллоҳ таоло инсонларни яхшилик (тавҳид динида бўлиш) учун яратгандир. Шунингдек, ҳеч бир ота она фарзандларининг ёлгончи, безори, жинояткор, ҳеч кимга фойдаси тегмайдиган, яъни танбал бўлишини истамайди. Демак, Аввало Аллоҳ ризоси ва қолаверса ота онанинг хурмати учун яхшилик йўлини тутинг.

9. Сизлардан баъзиларингиз талаба-сизлар, истаб истамай ўқув даргоҳларида порахўрликка аралашиб қолаётган бўлишингиз мумкин. Яъни, домларингизга пора бераётган, бу ишда воситачилик қилаётган бўлишингиз мумкин. Ўзбекистонда ҳозир диктатор Каримов зулми билан бирга энг ёмон иллатлар ёлгончилик, порахўрлик ва ароқхўрликдир. Агар сиз шундай иллатлардан ўзингизнинг ва жамиятнинг қутулишини истасангиз, у ҳолда аввало ўзингиз буларни тарқ қилинг.

Каримов зулмидан қутулиш осон эмас, энг қамада унга қарши қалбингизда нафрат бўлсин.

10. Ҳозир замон компьютер, интернет, чўнтак (сотка) телефонлари каби техник воситалар замони. Диктатор Каримов қанча ҳаракат қилмасин сизлар интернетда истаган сайтларга, ижтимоий тармоқларга (файсбок, твитер ва ҳқ) қира оласизлар. (Бу ерда Ўзбекистонда таъқиқланган муҳолиф сайтларга кириш учун прокси рўйхати танишингиз мумкин: [www.proxy.org](http://www.proxy.org) ёки <https://s3-eu-west-1.amazonaws.com/tradwrds/index.html?gclid=CIL0sfaHxLMCFUpb3godQ3kA0Q>). Аммо интернетда мавжуд ҳамма маълумотларни ҳам тўғри ва яхши маълумотлар, деб бўлмаслигини ўзингиз яхши биласиз. Бу масалада бизнинг сайтимиздан (<http://www.uzxalqharakati.com>), Озодлик (<http://www.ozodlik.org>) ва ББС

([bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek)) радиоларининг ўзбек бўлимидан, [fergananews.com](http://fergananews.com) centrasi.ru каби мустақил сайтлардан фойдаланишингиз мумкин.

11. Ўзбек ёшларининг миллий руҳини ва маънавиятини ортирадиган асосий омиллардан бири адабиётдир. Сиз Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Муҳаммад Солиҳ, Мамадали Маҳмудов, Гулчеҳра Нуруллаева, Карим Баҳриев каби ижодкорларнинг асарларини ўқиш орқали маънавиятингизни тараққий қилдиришингиз мумкин.

12. Сизларнинг тенгқурларингиздан жуда кўпчилик ҳозир Россия ва бошқа мамлакатларда мардикорлик қилиб юрибди. Бундай муҳожирликда яхши инсонлар (ёлгон гапирмайдиган, ароқ ичмайдиган, тоат ибодатли) билан бирга бўлиш ўта муҳимдир. Шу билан ота онангиздан доимо хабар олиб туришингиз керак бўлади. Ишлаб топган пулингизни тўю маъракаларда исроф қилманг. Чунки тўю маъракаларни камтар ўтказиш (кўпи билан бир неча ўн киши иштирокида, кераксиз харажатларсиз) маъқулдир. Ҳамма қатта, шов шув бўладиган тўйлар, маъракалар ўтказиш, дея алданиб қолманг. Қийналиб топган пулингизни имкони бўлса илм олишга, тижоратга ёки ўз корхонангизни очишга сарфлашингиз тўғри ва маъқул ишдир.

13. Ҳаётнинг ҳақиқатларидан бири сиз сиёсатга аралашмасангиз ҳам, сиёсатнинг сезинг ҳаётингизга аралашингиз. Бунинг далили ҳозирги кунда халқимизнинг инсон ҳуқуқларидан маҳрум қилиниб, жуда кийин иқтисодий шартларда яшаётганидир. Бунга эса диктатор Ислом Каримовнинг зулм сиёсати сабабдир. Шундай экан, истайсизми йўқми сиз ҳам сиёсатга аралашингиз мажбурсиз. Каримов режимига қарши сиёсий кураш олиб бораётган муҳолиф ташкилотларнинг энг асосийси Ўзбекистон Халқ Ҳаракатидир. Ҳаракатимизга аъзо бўлиб (<http://www.uzxalqharakati.com/azolik>),

биз билан Ўзбекистонда эркин ва адолатга асосланган жамият қуришга ўз ҳиссангизни қўшишингиз жуда муҳимдир. Чунки ҳаммамиз биргаликда бўлиб ҳаракат қилсак, иншаллоҳ Каримов режимини таг томири билан қуритишга эришамиз.

Намоз Нормўмин,  
ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси  
15 ноябрь 2012 йил

## САБАБ ВА ОҚИБАТЛАР ҲАҚИДА



“Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади” дейди халқимиз, халқимизнинг бу мақоли ҳозир унинг ўз ҳаёти мисолида оғриқли бир шаклда ўз исботини топмоқда. Яъний, халқимиз бугун камбағалдир ва у минган туялар итларнинг қошиқларидан уни асрай олмаяпти. Камбағалга нисбатан “ит ҳура, карвон ўтар” деган бошқа бир мақол ҳам амал қилмас экан, ит фақат ҳурибгина қолмай, камбағални тишлаши ҳам мумкин экан.

Муаммо нимада, камбағал минган туя пастми ёки камбағалга тиш қайраган итларнинг бўйи узунми? Муаммо икковида ҳам деса бўлади, аниқроғи, асос муаммо шундаки, камбағал халқимизнинг руҳий-маънавий-зеҳний савияси ўзи минган туянинг бўйини паст қилиб, ўзини қопадиган итларнинг бўйини бир паҳса ўстирадиган аҳволдадир.

Масалан, халқимиз минган Инсон Ҳақлари бўйича бутун давлатлар томонидан имзоланган халқаро қонунлар туяси ҳам уни, халқимизни ҳар хил кўппакларнинг тишларидан асрай олмаяпти. Айтайлик, Андижондаги ёки Ўшдаги сингари бир қатлиом ўзбеклар яшамаган бошқа бир ўлкада амалга оширилганида эди, бирон бир ўзини ёки тўғрироғи, ушбу қатлиом қилинган халқни ҳурмат қиладиган ҳукумат ёки давлат Ўзбекистон ёки Қирғизистон каби давлатлар билан ҳозиргидай илиқ алоқалар ўрнатиш у ёқда турсин, унинг раҳбарлари билан қўл олиб кўришишдан ҳам жирканган бўларди.

Ўтган йили Швецияда Обидхон қорига қарши қилинган суиқасд иштирокчиларининг Швеция маҳкамаси томонидан озодликка қўйиб юборилиши ёки Швейцария маҳкамасининг Ўзбекистон президентининг қизи Г.Каримова билан бирга амалга оширган жиноий ишларда айбланаётган кишиларнинг катта пул эвазига қўйиб юборилиши – бу одамлар-

нинг айбдорлиги ва ёки айбсизлиги ёки ушбу давлатлар маҳкамасининг қонуний ва ёки ноқонуний қарорлар чиқаргани ҳақдаги мулоҳазадан кўра кўпроқ ўзбекларнинг халқаро микёсда халқ ўларок нуфузи нақадар пастлиги ҳақдаги фикрни уйғотади.

Агар Русияда ҳар йили тақирбошлар тарафидан ўлдирилаётган ва ҳар хил қулдорлар тарафидан қул қилиб сотилаётган ўн минглаб одамлар ўзбек бўлмаганида эди, аллақачон бундай жиноятлар халқаро жанжалга айланиб, давлатлар ўртасида бир-бирига қарши турли санкциялар эълон қилиш даражасигача борилган бўларди. Яъний, халқимиздаги туянинг бўйини паст қилиб, итларнинг бўйини юксалтираётган камбағаллик, энг аввало, руҳий-маънавий-зеҳний камбағалликдир, моддий камбағаллик эса, ушбу қашшоқликнинг оқибати, холос.

Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, халқимиз асоциал, яъний, жамиятга ёт, жамият ташқарисидаги индивидга айланган. Халқимизда “ҳатти-ҳаракат типи”(русчада “тип поведения”) мавжуд эмас.

Унда бугунги кунда на анъанавий, на диний бир пойдевор бор. Рус истилосидан аввал ўзбекларда диний заминга қурилган аниқ-тиник бир “ҳатти-ҳаракат типи” мавжуд эди, бу қолип ичида яшаган ўзбек ҳамма нарсанинг чегарасини аниқ билар ва бу чегара бошқалар ёки ўзи тарафидан бузилганида ҳам нима қилишини ва нималар бўлиши мумкинлигини аниқ биларди ва бу ишонч ва аминлик жамиятдаги тартиб-интизом ва қонунчиликнинг асоси ҳисобланар эди. Атеист коммунистлар инқилобидан сўнг жамият остидаги диний замин ер билан яксон қилинди, унинг ўрнига ҳеч қандай ижтимоий-маданий-диний заминга эга бўлмаган, фақат “ишчи-деҳқонлар”дан иборат бўлган советлар жамияти барпо этилди ва бу жамиятдаги бош қадрият “ҳақиқий ишчи-деҳқон” бўлишдангина иборат эди. Ўзининг диний-маънавий пойдеворидан маҳрум бўлиб, унинг ўрнини замонавий секуляр жамият қарашлари билан эмас, балки утопик, ҳаёлий “ишчи-деҳқон” ҳатти-ҳаракат типи билан тўлдирган ўзбек жамияти маънавий-руҳий фалажликка юз тутди.

Албатта, ўзбеклардан бошқа Советлар ҳокимияти остидаги кўплаб ўзга халқлар ҳам ана шундай маданий-маънавий эксперимент зуғуми остида қолди, аммо ҳеч бир халққа советлар ҳокимияти ўзбекларга қаратгани сингари кўп эътибор (салбий маънода) қаратмади, бу эътибор Ўзбекистон ҳудудида деярли 30 йил давом этган “босмачилик” деб аталмиш миллий озодлик ҳаракати микёсига эквивалент, тенг эди.

Бугун ўзбек халқи изланиш жараёнини бошдан кечирмоқда, у бугун Русияга ва бошқа чет ўлкаларга фақат пул топиш учун эмас, балки, ўзини, ўзлигини топиш учун ҳам гурор-гурор бўлиб, йўлга чиқмоқда ва бу йўлда кўплаб қурбонлар бермоқда. Бугун ўзбекларни Австралия ва Кореядан тортиб, Русиянинг шаҳар ва қишлоқларигача; Покистон ва Афғонистонда тортиб, Чеченистон ва Суриягача; Оврупо китъасидан тортиб, Америка китъасигача бўлган кенгликларда кўриш мумкин.

Бугун халқимиз учун туя устида ит қошган камбағал ҳақидаги мақол баробарида унинг “мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас” деган бошқа бир мақоли ҳам кун тартибиде турибди. Бу мусофирлик халқимиздаги уни ерга урувчи кибр ва манманлик ўрнини уни юксалтирувчи ғурур ва ифтихор билан алмаштирмагунча, ўз миллатини, яқинларини қадрлаб, улар учун жон фидо этишга тайёр бўлмагунча давом этади.

Бу мақолада Ўзбекистондаги мустабид режим ҳақида бир оғиз ҳам гапирмадим, чунки, бу режим Сабаб эмас, Оқибатдир. Фикримни советлар пайтида ёзилган бир шеърим билан яқунлайман:

### ТАРОЗИ

Ҳаёти оғир эди унинг,  
Елкасидаги пахта тўла қанор  
каби оғир,  
Чарқокдан юмилиб кетаётган  
қовоқлари сингари,  
Ва зил-замбил ҳаёллари каби  
оғир эди ҳаёти...  
Ҳаёти оғир эди боёқишнинг,  
Хўжайинининг муштлари  
ундан ҳам оғир,  
Ҳақоратлари эса, янада оғирроқ...  
Ўзи эса, буларнинг барини  
Кўтаришга қодир оғир одам эди...  
Мақсуд Бекжон



Азиз хамюртлар, бугун ҳеч кимга сир эмаски, Каримов диктатураси ва у бошчилигидаги ҳукумат ич-ичидан емирилиб битяпти. Буни ҳар бир соҳада кўриш мумкин. Мен Термизлик оддий бир коллеж ўқитувчиси сифатида (хавфсизлик сифатида исми мимни ёзмадим) бугун вилоятимиздаги баъзи бир муаммоларни сизнинг ЎХХ сайтингизга ёзишга қарор қилдим.

## КЕЛАЖАГИ БУЮКМИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ?

Мана куни кеча пахта мавсуми тугади, энди эса ҳар куни коллеж ва лицей талабалари шаҳар кўчаларига шанбаликка чиқишади. Шаҳар ҳудуди шаҳардаги мактаб, коллеж-лицей ёки бир бюджет ташкилотига бўлиб берилган. Ўша ташкилот ёки ўқув муассаса ўзига бириктирилган ерга ҳар куни одам чиқариб ишлатади, гул экади, тозалайди. Термиз туманидаги Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳида ҳам ҳар бир коллежга ер бириктирилган.

Бу ерларни обод қилса, тўғри, қуйиб кетмайди, савоб булади. Лекин бу ишлар ҳам бир ойда бир бўлсин, ёки байрам олди хайрия шанбаликларда бўлсин, йўқ. Бу ишлар бизда йил ўн икки ой давом этади.

Майли бу ер-ку зиёратгоҳ жой, лекин кўчанинг ҳам шаҳар ичидаги ерларни ҳам тозалигига жавоб берадиган ташкилотлар бор-ку. Улар нима иш қилишади? Улар ҳам давлатдан ойлик олишади. Кўча супуришга ҳам ўқувчи чиқиши керак, гул экишга ҳам ўқувчи чиқиши керак.

Ҳақиқатан Ўзбекистон ҳукумати ёшларнинг илм олишини истамайди. Бундай деганимнинг сабаби, худди шу топшириқларни вилоят хокими ва ўринбосарлари беришади.

Бошқа вилоятларни билмадим-у, лекин бизни Термиз шаҳрида ҳар доим шу аҳвол. Куни кеча ҳам вилоят ҳокимияти биноси ёнидаги сайлгоҳнинг ерларини ҳам шаҳардаги коллежларга ағдариш ва гул экиш учун бўлиб беришди.

Ҳар куни шу аҳвол бўлгач, ўқувчи ўқисинми ёки гул эксинми. Бундай бўлгач, эртага ёшлардан нима кутиш мумкин, улар бу ишлардан кейин боғбон бўлиб етишадими ёки гулчи бўлибми? Мана сизга келажаги буюк Ўзбекистон.

Термиз туманидаги Лимонзор массивида ҳозирда катта қурилиш ишлари бўляпти. Бу ерда “Қишлоқ

қурилиш инвест” ИШК си томонидан уй-жойлар қурилмоқда. Кеча эшитишимча туман мактабларининг ўқувчилари ва тиббиёт ходимлари қурувчиларга ёрдамга ишга чиқарилаётган эмиш. Бунга нима дейсиз?

Энди ўқувчининг қилмаган бир иши шу қурувчилик қолувди. Вилоятимизда пахта терими эндигина тугади, халқ нафасини ростламасдан ту-

риб, энди қурувчиликка ишга тушиб кетишяпти.

Ҳалқимизда “кўтара олмансанг кўшиб кўтар” деган гап бор. Дарҳақиқат доно халқимиз жуда тўғри гапни айтган. Энди ўша қурилаётган уйлари бюджет ташкилотларига мажбурлаб сотишмоқчи. Директоримизни айтишича, бизнинг коллежга ҳам битта уй оласанлар ёки ишдан кетасан дебди ҳоким.

Уй оладиганлар жуда кўп, лекин пули ҳам озмунча эмас-да ўша уйнинг. Ҳозирги кўрилаётган уйлари нархи 140 млн сўм. Ҳозир Ўзбекистонда бир АҚШ доллари 1963.15 сўм бўлса, бу пулимиз 71 313.96 доллар бўлади. Оддий бир ўқитувчида шунча пул қаердан бўлсин?! Ишламайдиган одамни-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, уйни бир ўқитувчимиз оладиган бўлди, биз эса ойлик маошимиздан унга ёрдам берадиган бўлдик. Ўқитувчининг ойлигига ҳам хужайин кўп, нафақат ўқитувчи, балки ҳар бир бюджет ташкилоти ишчи-ходимининг ҳам. Ҳар ойликдан ҳали газ-светга ушлашади, ҳали хайрия шанбаликка, ҳали обунага ва ҳ.к. ушланмалар ҳар ойда бор. Ойликнинг ярми ушла-ушлага кетади.

Одамларимиз нега бунчалик кўрқоқ ва лоқайд бўлиб кетишган. Ҳеч ким “Эй, ҳалойиқ, нега булар бизни бунчалик хўрлайди? Ойлик маошимизга хўжайинлик қилади? Келинлар, бирлашиб бу ишларга чек қуяйлик!” демайди.

Ҳамма бирдан норозилик қилса, ҳоким ҳам бошқаси ҳам ҳеч нарса қилолмайди. Мен демоқчиманки, эй воҳадошлар – ватандошлар, келинлар, бирлашайлик, бу ғаддор ҳокимиятнинг куни битди. Ҳалқ ҳокимиятини тузайлик.

Бирлашайлик, эй аҳли Ўзбекистон.

**Термиздан мухлиснингиз.**



МУҲАММАД СОЛИҲ ИЛА...

### Ҳодий УЛУЭНГИН

Туркия «Хуррият» газетаси

Қаршимдаги одам шоир. Мукамал шоирлар каби шоир. «Агар мени ерга урмасаларди, кўкка қандай сакрай олардим?» деган мағрур шоир.

Кейин... қаршимдаги одам зиёли. Мукамал зиёлилар каби зиёли.

Прагадаги «Панкрац» қамоқхонасидан ўзи билан «айни матодан тўқилган» бошқа бир интеллектуал - Чехословакия Президенти Вацлав Хавелга 2001 йил 5 декабрда йўллаган «Маҳқумнинг чехраси билан айрилиғи» сарлавҳали мактубида: «Қамоққа олиниб камерага қамаб қўйилганларга суд маҳкамасига чиққунга қадар ойна бермайдилар. Ва шундай қилиб камина ўз чехрамдан айрилдим», деб ёзадиган савияда зиёли.

Бунинг устига қаршимдаги одам сиёсатчи. Ерга урмоқчи бўлганлари учун ҳам кўкка сакраган – чўққига юксалган қанотлари ила; ва ойнага хиёнат қилмагани учун ҳам чехрасидан айрилган ва «сиёсат» сўзига шараф қозонтирган бир сиёсатчи.

Қаршимдаги одам - Ўзбекистон муҳолифат лидери Муҳаммад Солиҳ.

\*\*\*  
Гапни ўз-ўзини танқиддан бошлайин. Бизлар, «сўл (социалистик ғоя тарафдорлари) маданият» урф-одатлари ила вояга етган қаламкашлар узоқ вақт туркчилик оқимидаги ҳамда геополитик турклик дунёсидаги теранликка аҳамият беролмади. Аҳамият бериш у ёқда турсин, хўр кўрдик. Кулдик.

Бу ерда, аввало бизларни бечора «сўл» жаҳолатидан; кейин эса туркчиликнинг ва туркликнинг «зид» деб билганимиз сиёсий кутбнинг тасарруфида эканлигидан ва туркчиликни тамоман унинг тасарруфига топшириб қўйилиши тўғрисида уртага чиққан бу кўрликнинг сабаблари ҳақида гапирмоқчи эмасман.

Аммо шуни билиш керакки, ўша кўрлик битди! Кўзимиз очилди. Энг камида, каминанинг кўзлари очилди.

Энди ўтган кун узун-узун суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганим ва бизларни бирлаштирган муштарак дунёқаршимиз, умумий «йўлнома»миз тўғрисида бир-биримизни «лаб демай туриб, лаблабини англаёлганимиз» (оғиз очмай, нима деганини англамоқ) ўзбек зиёлиси - шоир - сиёсатчи Муҳаммад Солиҳга ҳақида...

(Давоми кейинги бетда)

## МУҲАММАД СОЛИҲ ИЛА...

(Давоми. Боши олдинги бетда)  
Биринчидан, локомотив ро-  
лини ўйнагани Ўзбекистон  
мустақиллигидан сўнгра дарҳол,  
мамлакат ичида ҳам демократия  
учун мужодала бошлатган ва Тош-  
кентда ҳокимиятни эгаллаб турган  
Ислом Каримовнинг уни сотиб олиш  
учун оёғи остига тушагани мақом-  
мансаб, унвон ва пулни рад қилган  
Солиҳ, ҳеч шубҳа йўқки, мозийси ва  
маданияти эътибори билан Совет  
Империяси даврида «диссидент»  
номи берилган «муҳолиф зиёли» то-  
ифасидан келмоқда.

Иккинчидан, бошқа, ниҳоятда  
ҳаётий бир фарқ бор: «Бошқа тилда  
бераман мен ўз саломимни / Бошқа  
тилда нонуштага қилишар таклиф  
/ Бу шаҳарнинг кўчасида кўр каби  
мени / Бошқа тилнинг уч- тўрт сўзи  
юрар етаклаб...» деб ёзган Муҳаммад  
Солиҳ ҳоким халққа, яъни русликка  
мансуб бўлмаганидан, бирданига  
иккита «муҳолиф» шахсиятни ўзида  
ташимоқдадир.

Ва айнан мана шу ерда «Турк-  
чилик» ирқчи бир туртки сифа-  
тида эмас, озодлик хабарчиси,  
огоҳлантирувчиси; «Турон» ёхуд  
«Қизил олма» (Турклар бирлиги  
ғояси)нинг позитив, мусбат кўриниши  
сифатида майдонга чиқмоқда.

\*\*\*

ЗОТАН бу ғоя сабабдирки, деспот  
Каримовнинг таёқли миршаблар,  
кишанли зиндон ва қувгинлар билан на-  
тижа ололмагач, Солиҳга қарши Мос-  
квадан қотил, Прагадан эса жосус  
ёллашга қадар манфур амалларига  
қарамасдан, «ЭРК» Партияси лидери  
Ўзбекистон озодлиги учун ҳеч чекин-  
май курашини давом эттирмоқдадир.

Солиҳ «мустамлака мунаввар-  
ри» бўлишдан кўра, мустамлакачи-  
лар парчалаган Туркистоннинг яна  
ўша тарихий исмига қовушажагига  
ишонгани учун, эркин ва мустақил  
жўғрофиянинг ҳимоячиси бўлгани  
учун сургунда яшашга мажбур «дис-  
сидент зиёли» бўлишни афзал  
кўрмоқда.

Зотан, бу юрт севгисидан, бу му-  
саффо ғоядан, бу интеллектуал  
номусдан ва бу ҳаққоний сиёсат ту-  
файлидирки, Анқара Тошкент дик-  
таторини «қўллаб-қувватлаш» учун  
Солиҳни уч марта бадарға қилганига  
қарамай, Туркиядан ҳафа ҳам эмас...

Эртага,  
«Кўтармоқ учун ҳам бу жудоликни  
Шарт эмас девларга хос бир прода  
Оддий одам бўлса этади, яъни  
Бошига жудолик тушган бир одам»,  
деган Муҳаммад Солиҳни ўлкасидан  
айро қолишига чек қўйиш, жуда  
бўлмаса, бу айрилиқ муддатини  
қисқартириш учун Туркиянинг ва Тур-  
кия туркларининг нималар қила оли-  
шини қаламга оламан.

(26.03.2002)

ЙЎЛЧИ - КАРИМОВ, ХОНЧИ\* -  
СОЛИҲ

\* (Хон - Онадўли туркчасида кар-  
вонсарой. Каримов карвонсаройда  
меҳмон - кетувчи, йўлчи)

Биринчи воқеа: Ўзбекистон Ўрта  
Осиёдаги энг муҳим минтақавий куч.  
Нафақат 25 миллионлик нуфузи  
ва нисбий ҳарбий кучи билан, айна  
пайтда ва балки айнан шу оға-ини,  
«оғайнигарчилик»лари туфайли.

Чунки мавжуд сунъий чегаралар  
этник жўғрофия билан ҳеч мос кел-  
маслиги сабабли, ҳам Туркмени-  
стон, ҳам Хитой Халқ Жумҳурияти  
таркибида қолаётган Шарқий Тур-  
кистон ҳамда Қозоғистоннинг Чим-  
кент аҳолиси ўзбекчанинг асосини  
ташқил қилувчи чигатой туркчасида  
гаплашмоқдалар.

Буларга яна Тожикистон ва  
Афғонистондаги бир қанча муштара-  
кликларни қўшмоқ керак.

Минтақадаги ўлкалар бугун, Тош-  
кент деспоти Ислом Каримовнинг  
юқорида зикр этилган ана шу куч  
ва «оғайничилик»лардан фойда-  
ланиб, ўзларига «ола қарашидан»  
чекинмоқдалар.

Ва бу ўлкаларнинг ташқи  
иттифоқларга йўналишини ҳамда,  
масалан, қозоқ Назарбоевнинг  
қизини қирғиз Ақаевнинг ўғли би-  
лан бошини бириктириб, «хонадон  
сулоласи» қуришини Ўзбекистонга  
қарши «ҳимоя рефлексии» ўлароқ  
тушунмоғимиз керак.

\*\*\*

ИККИНЧИ воқеа эса шу: Кари-  
мовга қарамасдан халқаро «реал  
политик» Ўзбекистон каби регионал  
куч билан «яхши», камида «норма-  
тив» муносабат қуришни шарт қилиб  
қўймоқда.

Ҳам бошқа ўлкалар учун ҳамда  
табиийки, Туркия учун.

Устига устак, шуниси аниққа  
ўхшамоқдаки, соғ ва сўли аниқ  
бўлмагани учун яқин келажақда нима  
қилиши тахмин этилиши ҳам, Мос-  
квага нисбатан қўлида қарта тутмоқ  
учун Вашингтон-Анқара-Тель-Авив  
чизгисидан ўйин ўйнаётган Тошкент  
диктатори 11 сентябр воқеаларидан  
сўнг АҚШнинг регионда жойлашиши-  
дан ҳам фойдаланмоқда.

Каримов, Жазоир мисоли-  
даги каби, ўз зулмидан қочган  
«норози»ларнинг («сувга чўқаётган  
илонга ёпишар» қабилда) Фарғона  
водийсидаги исломий ҳаракатга  
қўшилишидан фойдаланиб, бошида  
тургани ижтимоий-фашистик олигар-  
хияни «дунёвий тузумнинг қалъаси»,  
дея халқаро майдонда қимматроқ  
пуллашга ҳаракат қилмоқда.

\*\*\*

МАЙЛИ, эътирозим йўқ. Учинчи  
воқеа шудирки, давлат сиёсатининг  
совуқ ҳаққонияти (ҳайхот!) кўпинча  
жамиятда қабул қилинган аҳлоқ ме-  
зонларига зид келади.

Шу сабабдан, ичимиздан лаънат-  
ласак ҳам, Каримовли Ўзбекистонни  
«қўллаб-қувватлайлик». Аммо  
«қўллаб-қувватлаш» бошқа, қўллаб-  
қувватлаш бошқадир!

Бошқа бир ибора билан айт-  
ганда, «қўй бўлмаган жойда эчки-  
га Абдуррахмон Чалабий дерлар»  
(Онадўли туркларидики қўлланиладиган  
мақол) мисоли Анқара ҳам Тошкент  
билан олиб бораётгани диалогларда  
бироз ОБ (Оврўпа Бирлиги) пойтахт-  
ларининг Анқара билан олиб бораёт-  
ган муносабатларидан ўрнак олиши  
керак.

Яъни, «реал политик» ёндошувга  
қарамай, Ислом Каримовга «яна ҳам  
кўпроқ демократия, яна ҳам кўпроқ  
эркинлик» деб иложи борича босим  
қилишимиз керак. Ва бу шарт...

Қайсидир маънода, қўлдан кел-  
ганча, у ернинг «ташқи динамикаси»  
ролини бажаришимиз шарт.

Модомики, ўзимизни «Турк дунё-  
сининг энг демократик ўлкаси» деб  
ҳисоблаётган эканмиз ва ҳатто баъ-  
зан «акалик» қилишни истаётган  
бўлсак, буни қуруқ гапда эмас, амал-  
да кўрсатишга масъулмиз.

Бу - Исмоил Гаспиралининг «Жа-  
дид» ҳаракатидан Зиё Гўкалп (Турк-  
чилик ғояси идеолог)нинг «Турон»  
утопиясига қадар сўнги таҳлилларда  
мусбат демократик ҳамла бўлган  
Туркчиликка бўлган бир қарзимиздир.

Тошкентдаги инсон ҳуқуқлари ра-  
портларини ҳам бундан сўнгра Брюс-  
сель, Вашингтон, Москвада эмас, то  
Ақаевларга қибла бўлган Истанбул-  
да нашр этилиши учун енгимизни  
шимармоғимиз керак.

\*\*\*

ВА, аслида келгусидаги «реал  
политик»ага кирувчи яна бир масъ-  
улиятимиз ҳам бор. Биз туркчилик-  
да жуда нодир мунаввар-сиёсатчи  
ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад  
Солиҳ бошчилигидаги, Осиё  
жўғрофиясининг озодлик курашчила-  
рини ҳам қўллаб-қувватлашга маж-  
бурмиз.

Раҳматли Турғут Ўзолнинг (Тур-  
киянинг собиқ Президенти) ҳаракат  
қилгани каби, уларни қўллаб-  
қўлтиқламоққа мукаллафмиз.

Кун келиб, даврон дўниб (айла-  
ниб), Анқара уч марта мамлакатдан  
чиқариб юборгани учун Оврўпо сур-  
гунда яшаётган Солиҳ Ўзбекистонга  
қўнган учқичдан Президент сифатида  
чиқиши мумкин.

Билайликки, турк олами дохил,  
аста-секин янгидан бино бўлаётган бу  
дунёда Ислом Каримовлар эртами-  
кечми йўлчи бўлишади, Муҳаммад  
Солиҳлар эса - хончидир.

(27.03.2002)

## ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Ошқозоним безовта бўлиши, бошим айланиши, ҳолсизлик ва ҳушимни йўқотаверишимдан шикоят қилиб, шифокорга бордим. Докторлардан бири, бола туғиши ва ўлиши ҳолатларини тушунириб, қонимда микробли бир касаллик борлигини, аммо бу касалликнинг сабабини билмаслигини айтди ва бир қанча таҳлиллар қилдиришим кераклиги буюрди. Қилинган таҳлилларда гепатит-С касаллиги чиқди.

Зудлик билан ҳомилани олдиришим кераклигини, ақс ҳолда ферментлар кўпайиб, касаллигим оғирлашишини айтишди.

Турмуш ўртоғим билан биргалликда ҳомилани олдириб ташлашга қарор қилдик.

Касалхонада мени даволаган шифокор менга: “Тўққаниндан кейин касалхонада қоласан, биопсия десам - биопсия, таҳлил десам - таҳлил қилдирасан. Хуллас, мен нима десам, шуни қиласан”, деди.

Иккинчи туғишим ҳам олдингиси каби, Истанбулдаги «Чапа» касалхонасида «цезар» амалиёти билан амалга оиди.

Туғишдан кейин ферментларим юксалиб кетганди. Чақалоққа ҳам гепатит-С юқмасин деб, уни эмизишга руҳсат бермадилар.

Бу мени жуда қийнади.

Шифокор ва ҳамширалар чақалогимга бир ит боласига қарагандек қарашарди, уни махсус қўлқопларда, тагин бармоқларининг учлари билан олиб қўйишарди.

Буни кўриши мен учун катта азоб эди.

Тўққаниндан кейин 1 ой ўтмасдан сўнг жигар биопсияси қилинди. Шундан кейин деярли ҳар куни касалхонама- касалхона юра бошладим.

Мени яна психологга жўнатишди.

Берилган дорилардан кейин шундай кучли бош оғриқлари бошланди-ки, бошимни деворга уришгача бориб етдим.

Бу дорилар мени жуда касал қилди, уларнинг таъсирида асабий бўлиб қолдим, ошқозонимда гастрит бошланди.

Энди ўлишим муқарралига ҳақида ўйлаб, жажжжи болаларимга мени вафотимдан сўнг ўз кунларини ўзлари кўришлари учун иш ўрага таъинладим.

Бошимда оғриқлар тугамагани учун бошқа шифокорга бордим, у менга “Землик” деган, ҳар ойда бир марта ичилади-ган бир дори берди. Уни ичганимда худди жиннидек бўлиб қолардим, миям увшииб, ҳамма ерда кўзимга қон кўринарди, эрим ва болаларимни тичоқлаб ташлагим келарди.

Доим қорним ишиарди. Шифокорлар 30 ёшимда цирроз бўлишимни, агар менга берилган умр 50 йил бўлса, 40 йилгача туғиб қолишини айтишди. Бундан қутулишимнинг битта йўли сифатида улар мен ёш бўлганим учун жигаримни алмаштириши мумкинлигини тақидлашарди. Бундай пайтда турмуш ўртоғим мени юпатиб: “Ҳафа бўлмагин, гепатит С нинг давоси йўқ десалар ҳам, Аллоҳ давосини беради”, - дерди.

Бу орада турмуш ўртоғимнинг бир касал дўстига докторлар “Биз ҳеч нарса қилолмаймиз. Сен ўзинг билган бир шиончли одамнинг уйига кет-да, ўша ерда мириқиб, ўлимни кутиб ёт”, дейишиб-

ди. Бу хаста одам ҳам Ойдин Солиҳнинг қабулига бориб, унинг даво услубига кўра, 3 марта уч кунлик очлик ва жигар тозалангандан кейин, ўлишига ҳозирланган киши тузалиб кетибди.

У, тузалиб кетибди. Бундан ҳабар топгач, мен ҳам Ойдин хонимнинг ҳузурига бордим. Ойдин хоним менинг даволанишим жуда осон эканлигини айтди.

Гепатит-С нинг давоси йўқлигини эшитганим учун, йиллардан бери ундан қутула олмай юрганим учун мен у кишининг гапларига олдинга ишонмадим. Аммо 7 марта 3 кунлик очликлар қилганимдан ва жигар тозалангандан кейин менда гепатит ҳам, мигрен ҳам, ревматизм ҳам, тўқима йиртилиши ҳам асар қолмади.

Бир йил аввал 35 ёшимда учта цезар амалиётидан сўнггра нормал йўл билан 5 килограммлик бир чақалоқ туғдим. Аллоҳ Ойдин хонимдан рози бўлсин!” 2011 йил, ноябр.

### Сурункали гепатит давоси

Сурункали гепатит давоси ошқозон ва ичак давосидан бошланади. Кейин жигарни тозалаш амалга оширилади. (“Ошқозон ва ичак давоси” ва “Жигарни тозалаш” бўлимларига қараңг.) Очлик кунларида қон олдирилади ёки зулук қўйилади.

Жигар тозалангандан кейин жигарни кучлантириш учун:

Ҳар куни эрталаб 20 мг тоза ари сути 1 чой қошиқ асал билан оғизда эритилиб ютилади. Асални хуш кўрмаганлар 1/4 чой қошиқ асал истеъмол қилишса ҳам етарли бўлади. Пешингача мева ейилади ёки мева сикилиб, суви ичилади. Жигар учун энг яхши мевалар - анжир, узум, тарвуз, олма, грейфрут ва лимон.

Пешиндан сўнг оч қоринга бир чой қошиқ полен бир десерт қошиқ асал билан ейилади. Асалдан ва ширин мевадан бошқа ширинлик ейилмайди.

Кунига бир марта овқат билан кўкат, саримсоқ, қизил лавлага, исмамоқ, семизўти салати ейилади.

Ҳафтада икки марта яшил ясмиқ майдаланган қоразира ва шамбала билан қайнатилади, занжабил кўшилади ва эзмасдан сузиб, суви ичилади. Яшил ясмиқ ўрнига арпа ҳам ишлатилиши мумкин.

Шу муолажа бир ой давомида қилинади.

Ари сути ва полен топилмаса, ўрнига қуйидаги қоришма тайёрланади.

30 гр қурутилган занжабил + 15 гр долчин пўсти + 300 гр сув аралаштирилиб, бир кеча қолдирилади. Эрталаб юмшаган занжабил ингичка қилиб кесилади, айни сувнинг ичида долчин қобиклари билан биргалликда 10-15 дақиқа паст оловда қайнатилади. Сўнг бир килограмм янги анжир кўшилади. (Янги анжир ўрнига 300 гр табиий шаклда қуритилган анжир сув билан намланиб, бир кечадан сўнг қўлланади.) Қайнаш даражасига етгандан сўнг бир стакан шакар кўшиб, олов ўчирилади. 1-3 соат қутилгандан кейин тақроран оловга қўйилиб, 10 дақиқа паст оловда қайнатилади ва олов ўчирилади. Бу сафар 5-6 соат кутгач, ярим килограмм асал кўшиб, паст оловда 3-5 дақиқа қайнатилади. Оловни ўчиргач, дарров

қуйида кўрсатилган тарзда тайёрланган заъфарон кўшилади ва 2-3 кун қутилгач, қўллаш бошланади. Мана шу сиропдан кунига 1-2 марта 30-50 граммдан оч қоринга ичилади, ичидаги меваси, долчини ва занжабили ҳам ейилади.

Эслатма: Табиий асал топилмаса, табиий шакар ишлатилиши мумкин.

### Заъфарон тайёрлаш

Заъфарон шодаларидан бир тутам олиниб, 100-150 гр иссиқ сув билан аралаштирилади ва бир кун қолдирилиб, сўнг сузиб ишлатилади.

Оқорида келтирилган бир ойлик даводан сўнг:

Ҳар куни эрталаб бир ош қошиқ янги туйилган седана + бир ош қошиқ майдаланиб, элакдан ўтказилган бўйимодарон + бир ош қошиқ асал аралаштирилади, ҳосил бўлган қоришма иккига бўлинади ва пешингача икки марта кўк чой билан ичилади. Оч қолганда олма, грейфрут, сабзи сувлари ичилиши мумкин, фақат пешингача ҳеч бир бошқа нарса истеъмол қилинмайди. Пешиндан сўнг мизожига мос келган бирор таом еса бўлади. 3-5 кун шу тарзда давом эттирилади.

Бундан сўнг:

Ҳар куни кечкурун 1/4 чой қошиқ туйилган сано + 70-100 гр сачратки баргининг суви + 50 сув + озрок заъфарон кўшиб, ичилади. Сачратки барги сувининг ўрнига қичитки ўти суви, бир ош қошиқ янги сикилган занжабил суви, турп баргининг суви ёки дамланган мойчечак чойи ичилиши мумкин.

Бу дорини, ич қотиши бўлмаса - ҳафтада икки-уч марта, ич қотиш бўлса - ҳар куни кечкурун 1 ҳафта ичиш керак бўлади. Бу ерда сано қонни ва жигарни тозалаш мақсадида қўлланилади.

Мазкур 10-12 кунлик курс ҳар 3-6 ойда бир марта тақрорланади. 2-3 ойдан сўнг тузалганига амин бўлиш учун шифокорга борса бўлади.

1-2 йил давомида ҳафтада бир марта 36 соатлик очлик рўзаси тутилади. 7 марта 3 кунлик очлик, кейин яна 10 кунлик очлик рўзасини тутиш жигарни аввалги, яхши, аҳволига қайтаради.

Жигарни тозалаш ва кучлантириш хусусияти бўлган қичитки ўти, селдир, унинг япроғи, петрушк, кашнич, сачратки (улар янги ёки қурутилган ҳолда, чой ҳолида, овқатга ёки салатга қўшилган ҳолда) истеъмол қилиниши мумкин.

Бу муолажани йилда бир марта тақрорлаш керак.

### Цирроз

Жигар циррозининг энг асосий сабаблари - аввалдан ўтказилган вирусли ёки токсик гепатит, алкоғолизм ёки сурункали юрак етишмовчилигидир.

Аммо баъзи ҳолларда, циррозга йўлиқишда алкоғолга боғлиқлик, юрак етишмовчилиги ёки вирусли гепатит эмас, бошқа сабаблар қузатилади. Бу касалликка олиб келувчи асосий сабаблардан бири - овқатдан кейин мева ейишдир. (“Бир-бирига зид таомлар” ва “Аралаш таомлар” бўлимларига қараңг.)

Жигар циррози бир сабабдан эмас, балки бир қанча сабабдан бўлса ҳам, касалликнинг кечиси ўзгармайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

## ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши Олдинги саҳифада)

Жигар ҳужайраларига зарар берадиган ҳар қандай омил туфайли ҳужайраларининг ўрнини боғловчи тўқималар эгаллайди. Ортикча даражада кўпайган боғловчи тўқималар кейинроқ ўзининг атрофидаги ҳужайра ва томирларни сикиштиради. Нагжида жигарда қон айланиши камайиб, кислород етишмовчилиги ортади. Циррознинг ортикча боғловчи тўқималар ишлаб чиқариши – қон айланишининг издан чиқишига, қон айланишининг издан чиқиши – доимий заҳарланиш ва яллиғланишларга, доимий заҳарланиш ва яллиғланишлар эса – иммунитет тизимининг заифлашишига олиб келади.

Цирроз касаллигининг давоси оғир бўлиши билан бирга ундан тузалиш жигардаги касаллиқнинг босқичига ва беморнинг ёшига боғлиқ.

Касаллиқнинг охириги босқичида жигар қатталашиши ҳам, кичиклашиши ҳам мумкин.

### Циррознинг давоси

4 ҳафта давомида Довуд алайҳиссаломнинг рўзаси тутилади: яъни, бир кун оч қолинади, бир кун ўсимлик чойи ва узум, олма, грейфрут, лимон сувлари ичилади; анжир, тарвуз ейилади.

**Масалан:** Биринчи кун оч қолинади, иккинчи кун эса пешингача мева сувлари ичилади, пешиндан сўнг кечгача мева, салат ейилади, занжабил ёки наъматак чойи ичилади ва уйқудан олдин 30 гр саримсоқли зайтун ёғи + 30 гр лимон суви билан ичилади, эртаси куни яна оч қолинади...

Сабзавот суви сифатида:

Сабзи суви + қизил лавлаги суви қоришими.

Лавлаги суви + семизўти суви аралашмаси, Қизил лавлаги суви + исмалоқ суви қоришими.

Сабзи суви+ олма суви қоришими.

1/4 микдорда сув қўшилади.

Бу орада хоҳишга кўра, ё мева сувининг ўрнига сабзавот суви ичилади ва мева ўрнига салат ейилади. Салат исмалоқ, семизўти, сачратқи, петрушка, курук пиёз, кўкат, ковок, сабзи, қизил лавлаги, селдир, саримсоқдан қилинади, юзига бир ош қошиқ саримсоқли зайтун ёғи сепилади ва кўп лимон суви қўшилади. Бошқа ҳеч нарса ейилмайди.

Биринчи ҳафтадан сўнг, зулук мавсуми бўлса - зулук давоси, зулук мавсуми бўлмаса – хожамот бошланиши керак. (“Жигарни тозалаш” ва “Зулук давоси” бўлимларига қаранг.)

4 ҳафтадан кейин уч кунлик очлик ва унинг кейин жигарни тозалаш амалга оширилади. (“Жигарни тозалаш” бўлимининг “3-чи кун” мавзусига қаранг.)

Жигар тозалангандан кейин:

Ҳафтада икки кун, хусусан, яқшанба ва пайшанба кунлари 36 соатлик рўза тутилади.

Рўза тутиладиган кунлардан ташқари, қолган беш кун давомида мева суви ичилади, мева ва сабзавот ейилади, олма суви + асал ёки ари сути + полен қўлланади.

Ҳафтада икки марта енгил овқат ейилиши мумкин. Ёғ сифатида фақат саримсоқли зайтун ёғи ёғсиз пиширилдиган овқат устига сепиб ёки салат билан истеъмол қилинади.

Рўза тутилмаган кунлар учун



озикланиш дастурининг намунаси

Грейфрут ёки олма суви ичилади. (соат 07:00)

Бир чой қошиқ асал 20 мг ари сути билан оғизда эритилиб ютилади. (соат 9:00)

100 гр сабзи суви + 100 гр олма суви + 50

гр сув култуллаб ичилади. (соат 11:00)

150 гр + 50 гр қизил лавлаги суви + 50 гр сув ичилади. (соат 13:00)

Бир десерт қошиқ асал + бир қошиқ полен ютилади, сув ёки занжабил чойи ичилади. (соат 15:00)

Анжир, узум, хурмо ёки тарвуз ейилади. (соат 15:30)

Сабзи ва қизил лавлаги қирғичдан ўтказилади, саримсоқ ёки пиёз, семизўти, исмалоқ, кўкат ва лимон суви билан салат қилинади. Устига бир ош қошиқ саримсоқли зайтун ёғи солинади. Нон ўрнига бир ховуч бодом билан уч дона аччиқ бодом ейилади. (соат 17:00).

Ҳафтада икки марта шу соатда сабзавотли таом, гўшт ёки балиқ салат билан ейилади. “Гўшт” бўлимида кўрсатилган, мизожига тўғри келадиган гўшт танланади.

Овқатдан ейилмаган 3 кун давомида уйқудан олдин 30 гр саримсоқли зайтун ёғи + 30 гр лимон суви ичилади. (соат 21-22:00)

Ари сути ва полен топилмаса:

Бир чой қошиқ қовун данаги (уруғи) + 1/2 чой қошиқ турп уруғи + бир чой қошиқ яшил ясмик майдаланади, 150 гр семизўти суви + 50 гр сув аралашмаси билан ютилади. Оч қолганда юқорида кўрсатилган тарзда мева ёки сабзавот суви ичилади.

Бир маротаба ейилдиган овқат ёки ичиладиган сув микдори 250 граммдан ошмаслиги керак. Бу жуда муҳим бўлиб, унга умр бўйи риоя этиш керак.

Бир ойдан кейин жигарни тозалаш такрорланади. Жигар тозаланишидан бир ҳафта ўтгач, тузлардан тозалаш, яна бир ҳафтадан кейин буйрак ва қовуқни тозалаш, ундан кейинги ҳафтада қонни тозалаш амалга оширилади. Бу тозалашларнинг ҳаммаси тугатилгандан кейин эса 3 кунлик очликлар, 7 кунлик ораликлар билан 7 марта қилинади. Яқунда бир ҳафта ўтгач, 10 кунли очлик қилинади (“Очликлар” бўлимига қаранг.)

Кейин:

Ҳафтада бир кун рўза тутишни ҳеч ташламай рўза тутилади. Бу орада ҳафтада 1-2 марта мизожига мос гўшт, 1 марта балиқ, 2 дона янги ёки 3 дақиқадан кўп қайнатилмаган уй тухуми, 1-5 марта қатик ёки фефир истеъмол қилиниши мумкин.

Фақат таомларнинг 60%ни кўкат, сабзавот, зайтун ёғи, асал, занжабил, янги мева ёки табиий йўллар билан қуритилган мевалар, хусусан, узум, анжир, хурмо, олма туршаги ташкил қилиши керак.

Янги ёки қуритилган анжирни - зайтун

ёғига ботириб, қатикни - саримсоқ ёки кўкат билан, гўштни, тухумни ва балиқни - бироз туз ва кўп микдорда кўкат билан, асални – занжабил, ёғоқ ёки бодом билан, зайтун ёғини - лимон суви, саримсоқ ва кўкат билан ейиш керак.

Эслатма: 7 кундан ортик турган тухумни қўлланмаслик керак.

Бу муолажанинг охирида бемор яхшиланиши ва ўзини яхши ҳис қилиши мумкин. Аммо жигарнинг касаллик томонидан зарар етказилган жойларини тузатишнинг имкони йўқ.

Жигарнинг касалликдан фориғ бўлган жойларидан соғлом аъзо кўрсатадиган натижаларни кутиш нотўғри. Бу дегани, ҳастада бундан буён вазифасини тўлиқ бажара оладиган жигарнинг йўқлиги, ва уни ортикча юкламаслиги керагини билдиради Акс ҳолда, жигар яна эски, яъни касал ҳолига қайтиши мумкин. “Тартибли озикланиш” бўлимидаги товус қуши ҳақидаги ҳикоядан ҳулоса чиқариш керак.

Соғлом инсон ўзига қанча ризқ водийси берилганини билмаслиги мумкин, аммо цирроз билан оғриган инсон буни билишга мажбур. Балки 2, балки 1 ризқ водийси қолгандир, циррозга учраган киши шунга қараб, ҳулоса чиқариши керак.

Беморнинг қорнида сув тўпланган бўлса, қуйидаги дорилар қўлланилиши мумкин:

бир бош саримсоқ пиёз + 10 дона янги яшил зайтун + 1 сабзи + 500 гр сув аралашмаси пиширилади, эзилиб, сузилади ва ичилади.

Қурилган аччиқ қовун томири майдаланади ва қунига 1/2 чой қошиқ аввалига бир марта, сўнгра икки марта, кейин уч марта оч қоринга сув билан ичилади.

Шу тарзда қориндаги сувни меъёрига келтирувчи энг яхши доза аниқланади ва шу доза бўйича қўлланилади. Қон гуруҳ “О”, “В” ва “АВ” бўлган кишилар дозани оз-оздан кўпайтириб боришади. Қунига 3/4-1,5 чой қошигидан кўп ичмасликлари керак ва бир ҳафта ичгандан кейин 1-2 ҳафта танаффус қилишлари зарур. Фақат қон гуруҳи “А” бўлганлар 3 қошиқча ва 3-4 ҳафта давомида танаффус қилмасдан ичишлари мумкин.

**Ёки:** 30 гр қуруқ ёки 100 гр янги аччиқ қовун томири майдаланади, бир литр сув билан 15 минут паст оловда қайнатилади ва сузилади. Сўнгра томир сувидан 100 гр олиниб, 200 гр асал сиропи билан аралаштириб, кун бўйи култур –култур ичилади ва шу тарзда 3 кун давом эттирилади. Кейин 3 кун дам олиниб, яна бир марта 3 кун такрорланади.

Эслатма: Аччиқ қовун қўлланилганда ич кетса, ич кетишининг тўхташини кутиш керак, ич кетиши тўхтагандан 3 кундан сўнг муолажа янгидан бошланади.

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Қамолддин Йўлдош**